



41
(1463)-son
30-oktabr
2020

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

О'ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ЖАМИЯТ ва АКТ

Сардобада замонавий почта, телекоммуникациялар ва кутубхоналар иш бошлади **3-бет**

ЭТИРОФ

Президент «Алоқабанк» Бошқаруви раисини юнсақ увон билан тақдирлади **4-бет**

САЙТЫ

Запущена новая версия сайта Regulation.gov.uz **6-бет**

АДАБ, АХЛОҚ, ОДАМ

YouTubeдаги юзсизлар: Шок сарлавҳалар **7-бет**

САЛОМАТЛИК

Атрофимизда коронавирис изғиб юрганда бу биз учун жуда муҳим **10-бет**

САНА

1 ноябрдан нималар ўзгаради? **11-бет**

МАСЛАҲАТ

Уч кунда дастурчиликни ўзлаштириш нунинмалари **16-бет**

“ҲЕЧ БИР СОҲАДА ИЛМСИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ”

АКТ вазири Шухрат СОДИҚОВ ОАВ ходимлари билан очиқ мулоқот қилди

24 октябр куни Тошкентдаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки шоурумида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов журналист ва блогерлар билан учрашди. Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда АКТ вазири ОАВ вакилларига ахборот технологиялари соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.



Кабар **БЎЛИНГ-2021**

ҲАР ЖУМА ТОНГИНИ ЯНГИЛИКЛАР БИЛАН ҚАРШИЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?


“Xabar”га обуна бўлинг!

ЭНГ ҚИММАТ БРЕНДЛАР

(ТОП-10, 2020 й.)

(миллион, 2019 йилга нисбатан ўсиш-пасайиш, %)

1. Apple — \$322,9 (+38)
2. Amazon — \$200,6 (+60)
3. Microsoft — \$166,0 (+53)
4. Google — \$165,4 (-1)
5. Samsung — \$62,2 (+2)
6. Coca-Cola — \$56,8 (-10)
7. TOYOTA — \$51,5 (-8)
8. Mercedes-Benz — \$49,2 (-3)
9. McDonalds — \$42,8 (-6)
10. Walt Disney — \$40,7 (-8)



Манба: Interbrand

Umadan
umagacha



Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазибалар муҳокамаи юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда трансформация жараёнига кўмаклашиш учун корхоналар бошқаруви ва кузатув кенгашларига чет эллик мутахассислар жалб қилиниши ҳамда соҳага илгор технологияларни кенг жорий этиш, “рақамли трансформация”ни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

27 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси миллий муҳофаа вазири Хулиси Акари қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳолати, истиқболлари кўриб чиқилди, шунингдек, кейинги йилларда муҳофаа соҳасида амалга оширилган қўшма тадбирлар якунлари сарҳисоб қилинди.

28 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Яқинда мамлакатимиз раҳбарининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиши жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Йиғилишда мазкур ҳужжатда белгиланган вазибаларнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркиянинг миллий байрами – Республика эълон қилинган кун муносабати билан Президент Режеп Таййип Эрдоганга табрик йўллади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбаева амалий ташриф билан Женева шаҳрида бўлиб турибди. Сенат Раисининг ташрифи дастуридан Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббусларини амалга ошириш мақсадида ва мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси этиб сайланганлиги муносабати билан етакчи халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш ўрни олган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларида янги қурилган кўп қаватли уйлардан фойдаланиш, уларни доим соз ҳолатда сақлаш ҳамда аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш учун Сирдарё вилоятига ташриф буюрди. Сардоба туманида ўтказилган Республика ишчи гуруҳи йиғилишидан сўнг депутатлар, вазилик ва идоралар вакиллари, журналистлар “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп қаватли уйларда яратилган шароитлар билан танишди.

“ҲЕЧ БИР СОҲАДА ИЛМСИЗ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ”

«1»

АКТ вазири Шухрат СОДИҚОВ
ОАВ ходимлари билан очиқ мулоқот қилди



– Ҳеч бир соҳада илмсиз тараққиётга эришиб бўлмайди, – деди Шухрат Содиқов. – АКТ йўналишида учта олий таълим муассасаси – ТАТУ, ИНҲА, Ами-ти университетлари, битта лицей, тўртта техникум ва АКТга ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатмоқда. Тошкент технологиялари университети бешта филиали қаторига энди Тошкент вилоятида ташкил қилинадиган филиал ҳам қўшилади. Бундан ташқари, вилоятларда 52та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилган. Соҳага ихтисослаштирилган бундай таълим муассасаларини ташкил этиш ишлари изчил давом эттирилади. Мақсад – илми кадрларни кўпайтириш, шу орқали соҳа ва мамлакатимиз тараққиётга эришиш.

АКТ вазири журналистларга соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди. Шундан сўнг қизгин мулоқотлар бошланиб кетди. Соҳа мутасаддилари ОАВ вакилларининг барча саволларига жавоб беришди.

– Кейинги икки йилги фаолиятимиз давомида республика-мизнинг ҳамма вилоятларида бўлиб, вазиригимиз ишчи гуруҳи билан энг чекка туманлардаги соҳа корхоналари фаолияти билан яқиндан танишидик, –

деди учрашувда Шухрат Содиқов. – Хизмат кўрсатиш даражасини ошириш учун барча тегишли чораларни кўряпмиз. Ходимларга қулай меҳнат шароитларини яратишга интиляпмиз. Билансизларми, соҳа раҳбари сифатида оддий ходимларнинг ойлик иш ҳақлари камлиги дилмидаги оғриқ нуқталардан бири эди. Ҳозир почта ва телекоммуникация боғламаларидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақларини икки баробарга оширишга эришидик. Албатта, бу билан тўхтаб қолмай-миз. Пандемия шароитида бошқа соҳалар қатори алоқачилар ҳам ўз ишларини узлуксиз давом эттиришди.

Учрашув давомида иштирокчиларга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари ўзлари яратган дастурий маҳсулотларни намойиш қилишди.

АКТ вазири Шухрат Содиқов журналист ва блогерларни Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки – IT-Парк ҳудудида жадал олиб борилаётган бинолар қурилиши билан танишишга чорлади. Вазирининг ўзи бу ерда бунёд этилаётган бинолар ҳақида батафсил маълумот берди.

Мазкур замонавий мажмуа қурилиши ўтган йилнинг 20 ноябрида бошланган эди. Бу ерда босқичма-босқич 17та иморат, жумладан, 20-25 қаватли офис бинолари, 22 қаватли меҳмонхона, университет, конференция зали, коворкинг маркази ва бошқа объектлар барпо этилади. Иншоотлар 9 балдан юқори зилзилага чидамли бўлади. Ер остида 3 қаватли автотураргоҳ қурилади. Мажмуа ҳудудида кафе ва рестороанлар, дўконлар, масжид, спорт майдонлари, дам олиш жойлари ҳам бўлади.

Шубу IT-Паркнинг дастлабки иккита биноси фойдаланишга топширилган. Уларда энг замонавий қулайликлар яратилиб, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. IT-Парк резидентлари сифатида рўйхатдан ўтган корхоналар 2028 йил 1 январга қадар солиқлар ва бошқона тўловларидан озод этилган.

Мажмуа танишувидан сўнг АКТ вазири бундай очиқ мулоқотлар шу билан тугамаслиги, вазирилик ҳузурда журналистларнинг медиа клуби ташкил этилиб, ОАВ вакиллари билан учрашувлар доимий ўтказиб турилишини маълум қилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган тадбир журналистларнинг Тошкент телеминосасига экскурсияси билан якунланди.

САРДОБАДА ЗАМОНАВИЙ

ПОЧТА, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ВА КУТУБХОНАЛАР ИШ БОШЛАДИ

“Сардоба” сув омбори талафотидан зарар кўрган Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида қурилиш-тиклаш ишлари давом этяпти. Яқинда уюштирилган пресс-турда маълум қилинишича, янги уй-жойлар барпо этилиб, бугунги кунга қадар жами 80 064 нафар (89,5 фоиз) аҳоли ўз яшаш манзилларига қайтарилган.

Аҳоли тураржойлари билан бир қаторда муҳим инфратузилма объектлари ҳам навбати билан фойдаланишга топшириляпти.

22 октябр куни Мирзаобод туманининг “Навбахор” маҳалласи ҳудудида янги ва замонавий “Навбахор” почта алоқаси бўлими мижозлар учун ўз эшигини очди.

Тантанали очилиш маросимида маҳаллий ҳокимлик вакиллари, вазирлиқнинг ҳудудий бошқармаси ва соҳа қорхона раҳбарлари ҳамда маҳалла фалоллари иштирок этдилар.

Шинам ва кулай почта алоқаси бўлими аҳолига замонавий почта хизматларини кўрсатиш ва қулайликлар яратиш мақсадида юқори тезликдаги интернет, компьютер ва инфокиоска қурилмалари билан таъминланган. Анъанавий почта хизматлари, тезкор почта хизмати, даврий нашрлар сотуви, обуна, электрон пул ўтказмалари ҳамда юридик ва жисмоний

шахслардан тўловларни қабул қилиш каби 40дан ортиқ хизматлар йўлга қўйилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги талафотдан зарар кўрган ҳудудлар аҳолисига замонавий телекоммуникация хизматларини ўз вақтида йўлга қўйиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди.

Сардоба туманининг “Дўстлик”, Мирзаобод туманининг “Навбахор”, Оқолтин туманининг “Шодлик” маҳаллаларида янги ташкил қилинган массивларга қадар 63,36 км. оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Сардоба тумани “Дўстлик” маҳалласидаги 37та, Мирзаобод тумани “Навбахор” маҳалласидаги 18та ва “Ҳақиқат” маҳалласидаги 40та янги қурилган кўп қаватли уй хонадонларига замонавий телекоммуникация хизматларини (телефон алоқа-

си, интернет, IP-телевидения хизматлари) кўрсатишни ташкил этиш мақсадида кўп қаватли уйлар орасида 2,87 км. алоқа қувурлари ётқизилди, 11,45 км. алоқа тармоқлари қурилди, 132та 3168 портли замонавий телекоммуникация қурилмалари ўрнатилди.

Оқолтин туманининг “Саховат” МФЙ ҳудудидаги 14-мактабга компьютерлар тақдим этилиб, информатика хонасида масофавий онлайн таълим ташкил этилди.

Шу маҳалла ҳудудида қуриб битказилган кутубхона ҳам вазирлик тақдим этган замонавий компьютерларга эга бўлди. Кутубхонада юқори тезликдаги интернет хизмати ҳамда Wi-Fi ҳудуд ташкил этилиши эса китобхонларга Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона фонди ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларидан онлайн фойдаланиш имкониятини берди.



АКТ вазирлигининг Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси


УЧИНЧИ ТАШАББУС

ХОВОСДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Сирдарё вилоятида шу пайтгача Мирзаобод, Сайхунобод туманлари ва Гулистон шаҳрида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилган эди. Мазкур марказларга 300 нафардан ортиқ ёшлар жалб этилиб, 100 нафардан зиёда курсларни битирганлик тўғрисидаги сертификатлар топширилган.

Ховосдаги Рақамли технологиялар ўқув маркази замонавий компьютер техникаси, юқори тезликдаги интернет тармоғи билан таъминланган. Бу ерда рақамли технологиялар, дастурлаш асослари, робототехника бўйича ўқув курслари ташкил этилади, қолаверса, киберспортни янада оммалаштириш, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизimini йўлга қўйиш мўлжалланган.

Марказда, шунингдек, тумандаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш ҳам мақсад қилинган.



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР



ХОРАЗМДА “АҚЛЛИ СУВ ҲЎЖАЛИГИ” ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6079-фармонига асосан Хоразм вилоятини рақамли трансформация қилиш бўйича дастур ҳамда йўл хариталари тасдиқланди. Унга мувофиқ қатор соҳаларда, хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича тегишли лойиҳалар амалга оширилиши белгиланди.

Маълумки, республикада электрон ҳўкумат ҳамда рақамли технологияларнинг жорий этилишида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ходимларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 26 октябр санасидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот

технологиялари университети Урганч филиалида Хоразм вилоятидаги қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси ходимлари учун рақамли технологиялар соҳасида малака ошириш курслари йўлга қўйилди.

Мазкур малака ошириш курсларида қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар иштирок этмоқда. Курс давомида тингловчиларга қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимида замонавий ахборот технологиялари ва рақамли технологияларни жорий этиш, хусусан “Ақлли сув ҳўжалиги”, сув сарфини мониторинг қилиш, экин майдонларини масофадан кузатиш ва бошқа инновацион тизимларни амалга ошириш йўналишида маълумотлар берилмоқда.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу малака ошириш курслари соҳанинг етук мутахассислари, профессор ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда.

4 ЭЪТИРОФ



ПРЕЗИДЕНТ "АЛОҚАБАНК" БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ЮКСАК УНВОН БИЛАН ТАҚДИРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "К.Н.Ирисбековага "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонини бериш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Бош вазир Абдулла Арипов ва Президент Администрацияси раҳбари Зайнилобиддин Низомиддинов Президент номидан "Алоқабанк" Бошқаруви раисига фахрий унвонни топширишди.

Ушбу юксак унвон "Алоқабанк" Бошқаруви раиси Каммуна Наринбаевна Ирисбековага мамлакат иқтисодий кудратини юксалтиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда банк тизimini халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, соҳада чуқур билим ва юқори малакага эга бўлган профессионал кадрларни тайёрлашга қўшган муносиб хиссаси ҳамда таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан топширилгани қайд этилди.

САЙЁР ҚАБУЛ

БАРЧА МУАММОЛАР ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарлигида Республика ишчи гуруҳининг 2020 йил 26-27 октябр кунлари Сирдарё вилоятида ўтказилган сайёр қабулда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Қахрамон Юлдашев иштирок этди.

Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани, Гулистон, Янгиер ва Ширин шаҳарларида ўтказилган сайёр қабул давомидида АКТ вазирлигига фуқаролар томонидан жами 35та ариза келиб тушган бўлиб, барча муражаатлар қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилинди.

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА

ҲАР БИР ХОДИМ ЭЪТИБОРДА

"COVID-19" пандемиясига қарши курашда барча бирдек оёққа турди. Карантин пайтида аҳолини ҳам руҳан, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаш, айниқса, кексаларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, меҳнат фахрийларига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳар бир ташкилотнинг устувор вазифасига айланди. "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳам пандемия даврида эзгу ишлар амалга оширилди.

Жумладан, "ТШТТ" филиалида 50 нафар алоқа соҳасида фидоилик билан меҳнат қилиб нафақага чиққан ёлғиз, ногирон, бетоб ётган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Бундай хайрли ишлар байрамларда ҳам давом этди. Масалан, жорий йилнинг 9 май санаси арафасида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабининг 75 йиллиги муносабати билан меҳнат фронтда жонбозлик кўрсатган ва ҳалол меҳнати билан "ТШТТ" филиалида фаолият юритиб, нафақага чиққан тўрт нафар фахрийга байрамона кайфият улашиш учун гулдасталар, қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида эса филиалда фаол фаолият олиб бориб, тенгдошларига ўрناк бўлаётган ёш ходимлар 30 июн – Ёшлар куни байрами муносабати билан фахрий ёрликлар ва пул маблағлари билан тақдирланди. Ундан сал олдинроқ ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояга ва парваришга муҳтож фарзандларига Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кутиб олиш ва уни ўтказиш мақсадида тақдим



этилган рўйхатга асосан моддий ёрдам ажратилди.

Ходимлар ўртасида корона-вирус тарқалишининг олдини олиш ва саломатлигини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ички имкониятдан келиб чиққан ҳолда, босқичма-босқич бугунги кунда иш жойларида фаолият юритаётган барча ходимлар ўрнатилган тартибда короновирус инфекциясини аниқлаш бўйича, тиббиёт муассасаси билан тузилган шартномаларга асосан, ПЦР (полимераза занжирли реакцияси) таҳлилини топширишди.

Республикаимиз бўйлаб туристик саёҳатлар уюштириш, мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектиларидан самарали фойдаланиш, юртимизнинг диққатга сазо-

вор жойларига сайёҳлик қўламини ошириш мақсадида жорий йилнинг сентябр ва октябр ойларида "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиал ва унинг тасарруфидидаги боғламаларда ишлаётган тажрибали ва малакали 98 нафар ходим учун Afrosiyob поездида Бухоро шаҳрига саёҳат ташкиллаштирилди.

Шу билан бирга, маънавий тадбирлар ҳам мунтазам равишда ўтказиб борилмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 31 йил тўлиши ва мазкур сана жорий йилда илк марта Ўзбек тили байрами сифатида нишонланиши муносабати билан 15 октябр куни "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Тил миллат кўзгуси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида тадбир иштирокчиларига мавзуга оид саволлар берилиди ва фаол қатнашганларга касаба уюшмаси томонидан эсдалик учун китоблар совға қилинди.

Ж.АБДИМУМИНОВ,
"ТШТТ" филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси

АЁЛЛАРГА ПСИХОЛОГИК КЎМАК

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклига барҳам бериш ҳамда ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва уларни самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича "Аёлларда кечадиган стрессли ҳолатлар ва унинг ечимлари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда Самарқанд давлат тиббиёт институти психологлари Диплом Жўраева ҳамда Анора Сулаймоновалар маъруза қилишди.

Психологлар таъкидича, инсон организмнинг ҳаддан ташқари зўриқиши салбий эмоциялар ёки оддийгина зерикашга бўлган жавоб реакциясидир. Стресс чоғида инсон организми ечим излашга ундайдиган адреналин гормони ишлаб чиқаради. Кичик миқдордаги стресс ҳамма учун керак, чунки бу кишини фикрлашга, муаммодан чиқиш йўлини топишга ундайди, стрессиз ҳаёт зерикарли бўлар эди. Бошқа томондан, агар стресс жуда кўп бўлса, тана заифлашади, кучсизланади ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини йўқотади. Шунингдек, семинарда стресс аломатла-

ри, турлари, асаб тизими ҳолати, стресснинг олдини олиш ва даволаш, стрессга олиб келувчи омилга тўғридан-тўғри таъсир ўтказиш, стрессли вазиятнинг асл сабаби нимада эканлигини аниқлаш, ушбу вазиятни ўзгартира олишни баҳолаш каби кўплаб фикрлар баён этилди. Стресс профилактикаси бўйича психолог маслаҳати, қўлай иш шароитни яратувчи эҳтиёжлар бўйича ҳам фикр аламашдилар.

Бўлиб ўтган семинар-тренингни ташкил этишда филиал психологи Саодат Бердибекова, филиал хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси Назолат Абдуллаева, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Юлдуз Амонбоевалар алоҳида ўрناк кўрсатдилар.

– Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад аёлларимизни ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини кафолатлаш, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда мотивация ўйғотиб, касбий кўникмаларни шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш, – дейди Саодат Бердибекова.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд
филиали матбуот котиби


ТИЛИМИЗ ШАЪНИНИ САРБАЛАНД ЭТАЙЛИК

Ўзбек тили байрамидан кейинги суҳбатлар

Ўзбек тили байрами илк марта нишонланди. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан бу кунга алоҳида тайёргарлик кўрилди.

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали ходимлари ҳам давра суҳбатлари, мақолалар, шеърлардан бахраманд бўдилар. Жамоада биринчи марта Ўзбек тили байрамига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Кўзларда илгари бошдан кечирилмаган ўзгача шукҳ жўшурди. Раҳбар Володя ака (Владимир Владимирович Ежков)нинг ўзбек тилидаги табриги, лутфи каломми бошқача гўзал оҳангда жаранглаб, олтин кузнинг бу кунни ўчмас бўлиб хотираларга муҳрланди. Қанча сувлар оқар, йиллар ўтар аммо бу бетакрор куннинг тароватини "Момом сўзлаб берганди", "Бобомнинг айтишига қараганда" дея фахр-ифтихор билан эслайдилар. Яна шунга айтиш керакки, байрамга бағишланган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октярдаги "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳақида ҳам сўз борди. Таъкидлаш керакки, фармон ҳар биримизга, ҳар бир оилага, ҳар бир фуқарога давлат тилини эъозлаш, ҳимоялаш, бойитиш, софлигини сақлаш бурчини юклаганини дилдан ҳис этмоққа ундайди. Мазкур тарихий ҳужжат табиийки, янада такомиллаштирилиб боради.

— Давлатимиз раҳбари томонидан давлат тили мавқеини ошириш борасида олиб борилаётган улуғ ишлар кўнгилларни юксалтиради. Янги фармоннинг ҳар бир сатрини синчиклаб ўқиб чиқдим, — дейди филиал ходими Отабек Тўйчиев.



— Ундаги 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси аҳамияти кўламларини тасаввур этарканман, рости, булар эканку, деган фикр хаёлимдан ўтди. Менимча, фармон ҳаётга жорий этилиши биланоқ тез фурсатларда ижобий ўзгаришлар буй кўрсатиши табиий. Давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашуви фармоннинг қанчалар улкан натижалар беришини кўрсатиб турибди. Олий ўқув муассасаларида филология йўналишларида "Компютер лингвистикаси", "Амалий филология" йўналишлари ташкил этилиши, хорижий олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўргатувчи марказлар сонини ботага кўпайтирилиши... Қарангки, фармон туфайли юртимизда тилимизнинг нуфузи ошади, маънавий, иқтисодий салоҳият ҳам ўсиб бораркан.



— Мен ҳам фармон билан танишдим. Фармон тезроқ ҳаётга татбиқ этилса қанийди! Тилимиз халқаро миқёсларда муносиб ўрнини топа қолса! — деди кадрлар бўлими ходими Райҳона Солиева. — Ўзбек тилидан жаҳоннинг етакчи тилларига, хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилувчи компютер дастурлари яратилишини айтинг. Қойил қолдим. Ана шу оламшумул ишларга ниҳоятда жиддий киришилибди. 7-синфда ўқиётган ўғлим Президент мактабида ўқиш орузида. У бошлангич синфлардаёқ нимага интернетда шундай дастур йўқ, деб ажабланарди. Ўзбек тилини изоҳли луғати тўғрисида неча бор суриштирарди. Билсам, устози она тилидан саводхон одамгина чет тилларини тез ва осон ўрганади, деган экан. Шу боис лингвистик, имло, омонимлар, синонимлар, соҳавий луғатларнинг нашр этилиши ва ҳатто интернет тармоқларига қўйилишидан жуда севиндим. Демак, биз ҳам фурсати билан луғатларга мурожаат қилиб туришимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир.

— Шундай. Биз катталар ҳам шу кунларга етказганига ҳар қанча шукрлар айласак арзийди. Фармон шарофати билан ўзбек тилининг халқаро майдонда-

ги обрўини кескин ошганини кўриш ҳам, ноумид шайтон, насиб этиб қолар, — суҳбатга қўшилди кўплаб ёшларнинг устози Ислонжон Нишонов. — Аввало, ўторак болаларим, тил билан боғлиқ ислохотлар шодлиги нелигини, тил оғриги — дил оғриги бўлган йиллар аламини биздан сўранглар — мустабид тузум даври тазийқларини ўз бошидан кечирганлардан сўранглар. БМТ минбариди ўзбек тили янграганда қанчалар яйрадингиз, устоз, деб ҳам биниир сўранглар-чи! Ҳа, менинг ёш дўстларим, бундан ўттиз бир йил муқаддам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганда ич-ичимиздан тошган қувончни қай сўз билан таърифлай, қай сўз билан тавсифлай! Бунинг учун, таассуфларким, сўз бойлигим анчайин камлик қилади. Яшириб нима қилдик, ўшанда дил-дилимиздан тошган севинч-ни ошкор этишдан ҳам хавфсизраганимиз ҳам рост. Фармонга кўра, келгуси йил апрел ойдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тизими раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражасини аниқлайдиган бўларкан. Масъул лавозимларга тайинланадиган шахслар учун давлат тилини билиш бўйича даража сертификатлари жорий этилар экан.


Суҳбатлар, мантиқий хулосалар, амалий ишлар давом этади. Буюк маърифатпарвар бобомиз айтганидек, "Бир тил эмас, тўрт тил керак". Хорижий тилларни эгаллаш она тилимизнинг мавқеи ва нуфузини тубдан оширишга хизмат қиладиган йилларга етиб келдик, дея баралла айтсак бўлаверади.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

УЧРАШУВ

UNICON.UZда ТИЛ БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Ўзбек тили давлат тили мақомига эришганининг 31 йиллигига бағишланган тадбирлар, давра суҳбатлари ва байрамлар давом этмоқда. UNICON.UZ давлат унитар корхонасида ташкил этилган "Она тилимизни ҳаётимизга чуқур татбиқ этиш" мавзуидаги давра суҳбати ҳам тил байрамига бағишланди.



Унда Алишер Навоий номидаги илмий-тадқиқот институти олимаси Робия Ражабова, шоир Шодмонқул Салом, корхона ишчи-ходимлари қатнашди. Суҳбатда сўз олган корхона раҳбарияти алоқа соҳасида ўзбек тилининг қўлланишининг тобора кенгаётганини, бу борада мазкур ташкилот ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатаётгани алоҳида тилга олинди. Шундан сўнг тилшуно олим-

ма Робия Ражабова она тилимизнинг ривожланиши, унинг миллат тили сифатида сақланиб қолишида, айниқса, халқимизнинг масъулиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Миллат бўлинмайди, — деди жумладан Робия Ражабова. — Бир одам бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек, ҳам бошқа миллатга тегишли бўлиши мумкин эмас, шундай экан она тилимизнинг ҳам бўлин-

маслигига барчамиз ишонч ҳосил қилмоғимиз керак.

Истеъодли шоир Шодмонқул Салом ҳам она тилимизга бўлган эътиборни кўчатириш кераклигини таъкидлаб шундай деди: "Она тилини алла деб таърифлаш мумкин. Оналар алла айтинг, токи фарзандингиз она тилини қулоқларига муҳрлаб олишсин". Шоир даврада ўз ижодидан ўқиб берди. "Ерга онамизни қўйиб,

ер қадрли бўлди, нега онамиз алла айтган тил бекадр бўлсин", дейди шоир.

Тадбир қизиқарли тарзда ўтди. Хусусан, она тилимизнинг ривожини, бошқа тилларга бўлган эътибор, яқин келажақдаги ўзгаришларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Санжар ШОМУРОДОВ,
"Xabar" мухбири

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

ФИНАНСОВЫЕ УСЛУГИ И ДОСТАВКА: КАК ИЗМЕНИТСЯ ПОЧТА УЗБЕКИСТАНА?

В начале октября президент Шавкат Мирзиёев провел совещание по вопросам реформирования национальной почтовой системы. На нем отмечалось, что в системе «Узбекистон почтаси» действуют более 2 тыс. отделений по всей стране, трудятся 7 тыс. работников, однако из-за отсутствия должного внимания развитию сферы популярность услуг почты снизилась.

В частности, за последние пять лет закрылось 1,3 тыс. отделений. В прошлом году на долю национальной системы пришлось лишь 10% от 6 тыс. тонн посылок, отправленных из-за рубежа, и 30% курьерских услуг.


Глава государства подчеркнул, что для развития почтовой системы необходимо превратить ее в сферу, приносящей доход. Указано на возможность увеличения доходов почтовых

отделений за счет налаживания партнерства с частными операторами, внедрения дополнительных услуг.

«Трансформация — процесс неизбежный для почтовых операторов. По всему миру потоки традиционной почты уменьшаются, но появляются другие возможности. Это электронная коммерция, финансовые услуги и прочее», — сказал ИА «Дунё» генеральный директор компа-

нии Алишер Файзуллаев.

По его словам, для подготовки проекта трансформации изучали опыт зарубежных стран. Проведены переговоры с делегациями Korea Post, Japan Post, встречи с польскими представителями, экспертами PwC. На основе изучения и с учетом реалий Узбекистана подготовлены концепцию и «дорожную карту», рассчитанную на 2020-2024 годы.



«Наши основные направления — электронная коммерция, курьерские услуги, доставка и финансовые услуги. В качестве финансовых услуг работаем как платежные операторы. Уже получили лицензию Центробанка, будем оказывать банковские услуги как агент банков», — перечислил Алишер Файзуллаев.

САЙТЫ


ЗАПУЩЕНА НОВАЯ ВЕРСИЯ САЙТА REGULATION.GOV.UZ

Начала работу новая версия портала обсуждений проектов нормативно-правовых документов regulation.gov.uz. Это уже третья версия за последние три года. Предыдущая работала с 2018 года.

В новой версии изменился дизайн, обновилась навигация, мобильная версия и меню поиска. Проекты разделены на четыре категории по статусу обсуждения: началось, продолжается, заканчивается и завершено. Авторизоваться можно пятью способами: OneID, Facebook, Google, VK и OK.

Появились опросники. К примеру, можно заполнить специальные формы и выразить насчет того, как проект влияет на предотвращение коррупции или достижение гендерного равенства.

Regulation.gov.uz — сайт, где ведомства, министерства и другие государственные органы выносят на общественное обсуждение проекты нормативно-правовых актов.



«ЦИФРОВОЙ УЗБЕКИСТАН-2030»



РОЛЬ МОЛОДЕЖИ В РЕАЛИЗАЦИИ ПРОГРАММЫ «ЦИФРОВОЙ УЗБЕКИСТАН-2030»

27 октября в Специализированной школе по углубленному изучению предметов направления информационно-коммуникационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми прошла онлайн-конференция под названием «Роль молодежи в реализации программы «Цифровой Узбекистан-2030».

В данном мероприятии приняли участие по инициативе партии УзЛиДеП депутаты Законодательной палаты Олий Мажлиса, представители Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций, Министерства высшего и среднего специального образования, Технического института Ёджу в Ташкенте, компании «Art Craft» и других организаций.

В ходе конференции были обсуждены планы по обеспечению занятости молодежи путем фрилансерской деятельности, совершенствованию и повышению эффективности деятельности IT Park, дальнейшему совершенствованию законодательства в сфере информационных технологий и вопросы по публикации научных статей молодых ученых, а также представителей данной сферы по перспективным направлениям цифрового образования.

Е-СПОРТ

ESPORTS UZBEKISTAN И SAIPRO GROUP ПОДПИСАЛИ НОВОЕ СОГЛАШЕНИЕ

На пути к развитию киберспорта между Федерацией ESports Uzbekistan (Федерация электронного-компьютерного спорта Узбекистана) и компаний SAIPRO GROUP подписано новое соглашение.

Согласно соглашению, SAIPRO GROUP стал обладателем эксклюзивных медиа и коммерческих прав федерации.

Теперь SAIPRO GROUP и Федерация электронного-компьютерного спорта Узбекистана будут в сотрудничестве осуществлять реализацию ряда проектов. В том числе:

- создание профессиональной киберспортивной команды;
- создание профессиональной киберспортивной арены и организация региональных сетей;
- проведение сезонных чемпионатов лиг и профессиональных турниров;
- развитие индустрии компьютерных игр;
- вовлечение компьютерных клубов страны в деятельность федерации.



Microsoft объявила о том, что стала ключевым технологическим партнером Международной выставки потребительской электроники CES, которая впервые пройдет онлайн с 11 по 14 января 2021 года.

В рамках партнерства Microsoft предоставит поддержку и облачные технологии, которые позволяют создать платформу для проведения первой полностью цифровой выставки CES 2021.

Китайская компания Ant Group, принадлежащая Джеку Ма, основателю Alibaba Group, готовится к выходу на IPO. Таким образом суммарно компания намерена привлечь около 34,4 млрд долл., это больше чем получила сама Alibaba Group при выходе на биржу, и даже саудовская Aramco, имевшая рекордную капитализацию на момент выхода на биржу.

В ходе размещения ожидается, что капитализация Ant Group составит 315 млрд долл. Это на фоне того, что на данный момент рыночная стоимость Mastercard, например, составляет 318,40 млрд долл., Visa — 410,83 млрд, а крупнейшего в США банка JPMorgan Chase — 308,54 млрд долл.

Huawei объявила результаты финансовой деятельности по итогам трех кварталов 2020 года. Доход Huawei за этот период составил 671,3 млрд юаней (98,57 млрд долл.), что на 9,9% больше по сравнению с аналогичным периодом прошлого года. Рентабельность чистой прибыли компании за этот период составила 8,0%.

Отмечается, что этот результат был получен в условиях, когда мир борется с COVID-19, а глобальная цепочка поставок Huawei оказалась под сильным давлением, поэтому производство и операции столкнулись с серьезными трудностями.

Заявлено, что в будущем Huawei будет применять свой потенциал в сфере информационно-коммуникационных технологий (искусственный интеллект, облако, 5G и вычисления) с целью разработки отраслевых приложений и раскрытия ценности 5G-сетей совместно с партнерами.



YouTube'daги ЮЗСИЗЛАР

ШОК САРЛАВҲАЛАР

"Шок. Хоразмда самасуд"
 "Шок. Хийонат."
 "Шок. Эри хотинини ўйнаши билан ушлаб олди"
 "Тезде кўринг. Самасуд"
 "Даҳшат. Бунчи тезде кўринг"
 "Шок. Фалончи фалончига аътев килди..."

"Тезде кўринг. Фалончи актриса иккинчи марта эрга тегди"

Интернатда YouTube каналига кирсангиз аксарият ўзбек блоглари сарлавҳаси худди шундай бошланади, гиж-гиж хатоларни айтмаса ҳам бўлади. Ҳаттоки касал ётган санъаткорни, эл танийдиган бирор инсонни "Фалончи ўлдими?", деган ўзига чорловчи сарлавҳалар билан обуначисини кўпайтириш ҳаракатидаги блогерларни, видеони кўрсангиз умуман у ҳақда бирор жойда гап ҳам бўлмаганини, бу билан бир инсоннинг шаънига ёки руҳиятига ёмон таъсир қилаётганини кузатиш мумкин. Ахир, ақлга сиғдириб бўлмайди, пул учун тирик одамни ўлди деб ёлғондан шаъма қилишларини...

Бугун интернетни яхши билган одам яхши маблаг топомқда. Бунга фрилансер соҳасини киритиш мумкин. Лекин биз айтмоқчи бўлаётганимиз умуман бошқа, ўзбек YouTube блогерлари ҳақида. Ахборот асрида ашяагпмиз. Ахборот олишга ва тарқатишга ҳамманинг ҳаққи бор. Аммо бу ҳақ-хуқуқларга қонунчиликда маълум чекловлар киритилган. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунда жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради, жисмоний шахсинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно, деб белгилаб қўйилган.

Аммо ўзбек YouTube блогерлари бундай қонун борлигини, чекловларни ҳам ҳатлаб ўтмоқдаки, бунинг оқибатида

қанчадан-қанча инсонларнинг шахсига дахл етмоқда.

Масалан, интернет орқали пул ишлаш учун бир оиланинг шахсий ҳаётини кўрсатиш, қайта-қайта ўша мавзуга мурожаат қилиш ва оқибатда бу ўша оиланинг турли руҳий зўриқишларни бошидан ўтказишига сабаб бўлмоқда. Ўша видеоларга ёзилган изоҳларни ўқисангиз, "отангизга раҳмат", "шу оиллага ёрдам бераётганингиздан хурсандимиз" деган фикрлар қолдирилган. Аслида блогернинг ўша мавзунини кўтаришидан мақсад нима? Биринчи навбатда пул ишлаш. Блогерга бу оиланинг ҳаёти, муаммолари қизиқмас. Ёки мана шу видеодан кейин ўша оиладаги парокандалик муҳиммас.

Ҳаммага маълумки, ижтимоий тармоқда дейсизми, ТВ ёки ОАВда дейсизми, ўзбек сигменти бировнинг ютуғи, олим ёки кашфиётлар ҳақидаги мақола ёки ахборотлар, кўрсатувлардан кўра, оилавий маиший мавзуларга қизиқиши катта. Уларнинг қизиқиши янада катталашшига, одамларнинг диди шундай шаклланишига телевидение орқали берилаётган фақат маиший мавзудаги кўрсатувлар, кинолар, сериаллар сабаб. Телевидениенинг қўпол ва ҳеч қандай этикага риоя қилмайдиган варианти эса бугунги кунда бу YouTube. Хуллас барча юзсизликлар YouTube'da. Бу юзсизларни юзага чиқариб маблаг топаётган юзсизлар эса улардан ҳам кўплиги жуда ачинарли ҳолатдир.

Аввало бошловчилар ҳақида

YouTube бошловчилари ўз устида ишламаслиги, бошловчилик ҳақида бирор амалиётга эга эмаслиги яққол билиниб қолади. Аудиторияда ўзини қандай тутиш ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Масалан, русларнинг Agatha Christie канали бор. Канал детектив фаолиятига бағишланади. Ўйрилган қизлар, зўровонликка учраган одамлар, қотиллик қурбони бўлган оилалар, бир неча йиллаб изсиз йўқолган эр-хотинлар... Буларнинг барчаси хорижда йиллар давомида шов-шув бўлиб келаётган реал воқеалар. Каналнинг мукамаллиги ва профессионаллиги шундаки,

муаллиф назаридан ҳеч бир детал эътибордан четда қолмайди. Ўша воқеага мос кинофилмдан сюжетлар, ҳужжатли филмлар тартиб билан бериб борилади. Ва энг эътиборлиси, муаллифнинг бироз сеҳрли, бироз майин ва шу билан бирга, мавзуга мос сирли овози. Агар ушбу муаллиф бирорта мавзуда ўзининг овозидан фойдаланмаса, барча аъзолари унинг овозини қайтаришни, овози учун каналга киришни, кўтариб чиқаётган мавзуга овози қанчалик ҳамоҳанглиги ва бу ўша мавзунини қанчалик қизиқ ва долзарб қилаётганини ёзади. Қолаверса, муаллиф икки ҳафтада катта машаққатлар билан бир видео тайёрлайди. Видео тағида фойдаланган манбаларини кўк ҳавола билан қаторлаштириб қўядики, беихтиёр ўша манбаларга кириб янада кўпроқ ва қизиқарлироқ маълумотларга эга бўласиз. Ҳам муаллиф, ҳам бошловчи бўлган Agatha Christie ўша жойнинг табиати, одамларнинг касбига бўлган қизиқиши ҳақида қизиқ маълумотларни бериб борадики, улар орқали жуда кўп нарсаларни ўрганиш ва билишни бойитиш мумкин. Бизда-чи, каналларга бир марта кирсангиз қайтиб видеоларни кўрингиз, овозини қайтиб эшитгингиз келмайди. Кўтарилаётган мавзуда на таҳлил, на ечим бор. Ёки бўлмаса, одамлар томонидан чиқиб кетган видеоларни ҳеч қандай таҳрирсиз, ўрганишсиз ёки овозсиз, матнсиз ўз каналларида айланиб "просмотр" йиғаётганлар тайёрга айёр блогерлар ҳисобланади. Бу ишламасдан, меҳнат қилмасдан, бошқа бировнинг меҳнатини ўғирлаш ҳисобига кун кўраётганлардир. Уларда видео тайёрлаш меҳнат машаққатини, изланишни кўрмайсиз.

Плагиатлик

Кўчирмакашликнинг энг зўри ҳам мана шу YouTube каналда. Юқорида айтганимиздек, интернетта чиқиб кетган шов-шувли видео борки, барча ютуберларнинг каналда қайта-қайта айлантирилади. Фақат ҳар хил сарлавҳада - "кўринг", "шошилинг", "шок..." ва ҳ.к. Масалан, бирон кинодаги воқеани ёки хориждаги воқеани ўзбеклаштириб саҳналаштираётган ёки экран ортида ўқиб бераётганларни учратиш мумкин. Видеода, интернетда муҳрланиб қоладиган бу кўчирмакашлик "асар"лар ортидан даъво қўзғатилса, улар жавобгарликдан қочиб қўтулолмастлигини наҳот англаб етишмаса?

Санъаткорлар ҳар доимгидек эътиборда

Ҳа, худди шундай. Бугун YouTube каналларини санъаткорларнинг шов-шувли чиқишларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Санъаткорлар чиқиб ўз санъатлари ёки санъат сирларини обуначилари билан баҳам кўришади деб ўйлангангиз хато қиласиз. Қаёқда. Санъаткорларнинг барчаси бир-бирига "аътев" қилгани ва бу "аътев"ларни агар блогер дейишга лойиқ бўлса YouTube блогерлари барчаси тинимсиз каналда айлантирганининг гувоҳи бўласиз. Хўш, санъаткорларнинг ўзаро адовати, ўзаро тортишуви бизга нима беради? Шунчаки уларнинг обрўсизланишига сабаб бўлади, холос. Ёки санъаткорнинг хонадони, кийган кийими, еган таомини томоша қилиш орқали қайси дунёимизни бойитамиз - маънавий дунёимизни ёки моддий? Минбарни фақат маиший мавзуларни кўтариб чиқадиганларга бериб қўйганимиз учун баъзи мавзуларга эътибор кам. Масалан, uzbek.tv каналда "smart" дўппи кашф қилинди", деган видеога битта одам изоҳ ёзмаган ёки "Ўзбеклар ҳам кашфиёт қилди, кўринг", деган видеога беш нафаргина одам изоҳ ёзган. Аммо бунинг акси ўлароқ бировнинг хиёнати, оиладаги уруш-жанжал, санъаткорларнинг шахсий адовати ҳақидаги видеоларга сон-саноксиз одамлар қарғишу ҳақоратларга тўла фикрлар ёзиб қолдирган.

Сўкиниш ва ҳақоратсиз видео!

Афсуски, блогерларимизнинг кўпи блогларини сўкишсиз, "аътев"сиз, ҳақоратсиз юрита олмайдилар. Биладики, одамларни ўзаро жанжаллар кўпроқ қизиктиради ва улар шундан фойдаланишади. Яна "аёллар, болалар кўрмасин, қаттиқ сўкинган жойларимиз", бор деб огоҳлантириб ҳам қўйишади. Масалан, бундай огоҳлантириш видеоларни кўпроқ Насим Холов ёки "Элпарвар" каналда кузатишингиз мумкин. Уларнинг асабийлашиб кимларгадир "аътев" қилиши, жиғибийрон бўлиши уларни кузатувчига нима беради? Фойдали томони борми? Ва айнан шундай блогерларнинг кўтариб чиқаётган мавзуси бир-бирини ҳақорат қилиш, кимнидир гўрига гишт қалаштиришдан иборат. Мен ҳали деярли YouTube каналларида бирорта таҳлилий мавзунини кўрмадим. Ёки кашфиётлар, бирор бир мавзу ҳақида изланишларни кўрмадим. Энг осони ўш видеога тушиб кимгадир "аътев" қилиш ёки интернетта чиқиб кетган шов-шувли видеони тарқатиш ёки санъаткорнинг, ҳокимнинг, бирор амалдорнинг айтган гапига, ёқмаган гапига "аътев" қайтариш.

Мактаб керак

Албатта, мактаб керак. Агар блогерлар учун алоҳида мактаб очилмаса, ўқув марказлари очилмаса, минбар сўқонгичларга, эр-хотиннинг шахсий ҳаётини кўтариб чиқишга истихола қилмайдиган, пул учун икки одамни уриштириб видеога оладиган савиясиз блогерларга қолиб кетади. Блогерлар учун юритиладиган мактаблар аввало блогерлик нима, ахборот тарқатиш, бошловчилик, сифатлилик - мана шундай мезонлар ҳақидаги қўниқмаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Ва айнан хориж тажрибаси бизга блогларни қизиқарли ва фойдали қилиб юритиш бўйича катта мактаб бўла олади. Акс ҳолда кунимиз кимларгадир "аътев" қайтарган блогерлар видеосига "аътев" қайтариш билан ўтиб кетаверади...

Барно СУЛТОНОВА,
 "Xabar" муҳбири

Иброҳим Абдурахмонов: "БУ СОҲАДА "ЙҮҚ" ДЕГАН СЎЗ ИШЛАТИЛИШИ НОЎРИН!"



Инновацион ривожланиш вазири, академик Иброҳим Абдурахмонов "Xabar" мухбирига ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар, илмий ҳамда инновацион лойиҳалар, InnoWeek ҳафталиги, раҳбарликнинг характер ва илмий фаолиятига ўтказган таъсири ҳақида сўзлаб берди.

– Иброҳим Йўлчиевич, сиз раҳбарлик қилаётган вазирликнинг ташкил этилганига ҳам қарийб уч йил бўлди. Ўтган вақт ичида вазирлик инновациялар соҳасида нималар қилишга улгурди?

– Очиги, мен қилинган ишларни эмас, қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида гапиришни ёқтираман. Аммо шундай бўлса-да, саволингиздан келиб чиқиб фаолиятимизга доир қисқача маълумот бермоқчиман.

Аввало, илм-фанни ривожлантириш, инновацияларни иқтисодимиз ва ижтимоий ҳаётга жорий этиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилди. Юртимиз тарихида илк бор "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида" ҳамда "Инновацион фаолият тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз томонидан олимларнинг мавқеи, обрўйи ва академик легитимлиги оширилди.

Хусусан, махсус дастур доирасида 40дан ортиқ илмий ташкилотларга илмий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 32 миллион АҚШ доллари, уларнинг бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш учун 119 млрд. сўм миқдориди маблағлар йўналтирилиб, бунда барча асбоб-ускуналар паркини янгилаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Олимларимизнинг ишланмаларини иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш, тижоратлаштириш муаммосини ечиш мақсадида илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича амалий механизмлар жорий этилди. 100 минг АҚШ доллари миқдориди Илмий-техник ишланмаларни тижоратлаштириш Президент жамғармаси

ташкил этилди. Ҳар бир олимга ё илмий жамоага ўз ишланмалари доирасида тижорат билан шуғулланиш, даромад олишга қаратилган платформа яратилди. Олимлар ўзи яратган ишланмаси доирасида алоҳида тижорат компанияси ташкил этиши, лицензион ёки бошқа тижорат шартномаси билан ишлаб чиқаришни ташкил этиши мумкин. Бунда тижоратлаштиришдан тушган маблағларнинг 40 фоизи муаллифга, 30 фоизини илмий жамоага тақсимлаш назарда тутилган.

Натижада, "олим-банк-тадбиркор" учлиги иштирокида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришнинг янги тизими йўлга қўйилди. Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш доирасида умумий қиймати 149,5 млрд. сўм бўлган лойиҳалар тайёрланди, ишлаб чиқарилган илмий сифимкор маҳсулотлар ҳажми 62 млрд. сўмдан ошди. Ҳозирда, 130 дан ортиқ ишланмалар тижоратлаштириш жараёнида.

Илк бор мамлакатда стартап экотизми яратиш ишлари бошланиб, стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш тизими шакллантирилиб, умумий қиймати 31,5 млрд. сўмлик 34та стартап лойиҳалар молиялаштирилди ва рақобатбардosh янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ташкил этилди. Ўзбекистондаги илк илмий лойиҳалар акселератори – С.А.Т. Science Accelerator ташкил этилди.

Шунингдек, етакчи хорижий марказларда ёш олимларнинг стажировкалари мунтазам ташкил этилмоқда. Ҳозирга қадар 300 нафар ёшлар хорижий стажировкага жўнатилди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан тўрт баробар кўпдир.

– Вазирлик йил давомида мунтазам ўтказиб келаётган амалий ва инновацион лойиҳалар танловларига кўпроқ қайси соҳага тааллуқлилари келиб тушмоқда?

– Жорий йилда молиялаштирилган илмий лойиҳаларни таҳлил қиладиган бўлсак, энг кўп молиялаштирилган соҳа қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва атроф-муҳит муҳофазаси фанлари бўйича бўлиб – жами 12та лойиҳа, умумий 15,3 млрд. сўм миқдориди молиялаштирилган. Иккинчи ўриндаги фармакология ва фармацевтика йўналиши бўйича жами 7та лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 8,2 млрд. сўмни ташкил этади. Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар фанлари бўйича жами 8та лойиҳа умумий 7,7 млрд. сўм миқдориди молиялаштирилди.

Техника, иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, қурилиш, ахборотлаштириш ва АКТни ривожлантириш, филология, педагогика ва шу каби бошқа фанлар рўйхатининг кейинги ўринларидан жой эгаллаган.

Этиборлиси, эндиликда ажратилаётган маблағлар олим-

ларнинг иш ҳақидан ташқари ижрочи ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам етади.

– Сизнингча, ҳозир қайси соҳаларда инновацион ғоя ва лойиҳаларга эҳтиёж юқори?

– Юртимизда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика, қурилиш, транспорт ва энергетика соҳаларида янги ишланмаларга эҳтиёж жуда юқори. Бу соҳаларни фундаментал асослари сифатида математика, кимё-биология, геология йўналишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратганмиз.

Боиси азалдан мазкур соҳаларда илмий мактабларимиз мавжуд бўлган, ҳозир ҳам улар сақланиб қолган. Мана шу соҳаларда дунёга танилган олимларимиз яратган мактаблар аста-секин йўқолиб бораётгани сабабли уларни тиклаш ва янада ривожлантириш вазирамиздир.

Энди математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни моделлаштириш асосидаги математик ечимларга аҳамият қаратилади. Математика – рақамли иқтисодиётнинг асоси, рақамли технологиялар эса барча соҳаларнинг ривожини учун зарур. Рақамли иқтисодиёт, ўз навбатида, шаффолик ва ошқораликни таъминлайди, коррупциянинг олдини олади. Кимё йўналишидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг мавжуд илмий йўналишлари тармоқ корхоналари эҳтиёжлари ва бозор талабларидан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда. Бунда каллоид ранглик ва ноёб металллар ҳамда силикат материаллар кимёси каби илмий йўналишларга устувор аҳамият қаратилади.

Ҳозирги кунда биотехнология илм-фаннинг энг истиқболли ва иқтисодий самарадорлиги юқори соҳаси сифатида эътибор қилинмоқда. Экспертлар фикрича, 2025 йилга келиб, жа-

ҳонда биотехнология маҳсулотлари бозори қиймати 2 трлн. АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Биотехнология саноатида инвестицияларнинг жорий ўсиши эса 32 фоизни ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда агро-биотехнологиялар, озиқ-овқат, шу жумладан, фудомикс, биотиббий ва фармбиотехнологиялари йўналишларини комплекс ривожлантиришни назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Шунингдек, геология соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини ошириш, амалий лойиҳалар қаторида фундаментал лойиҳаларга ҳам эътибор қаратишни режалаштирганмиз.

– Келгуси ойда InnoWeek ҳафталиги ўтказилиши режалаштирилган. Бу галги дастурда аввалгиларига нисбатан қандай ўзгаришлар мавжуд?

– Бу тадбиримиз уч йилдан бери ўтказиб келинмоқда. Аммо, жорий йил InnoWeek илк бор онлайн тарзда ташкил этилади. Бунинг сабаби – глобал пандемия. Одатда, глобал пандемиянинг салбий жиҳатлари ҳақида гапирамиз, лекин унинг ижобий томонлари ҳам бор. Булардан энг кўзга ташланганлари – рақамлаштириш жараёнининг тезлашиши, онлайн платформаларнинг ривожланишидир. InnoWeek-2020 айнан мана шу ривожланишни намоён этади.

InnoWeek онлайн тарзда ўтишининг яна бир ижобий томони – унга дунёнинг исталган бурчагида яшовчи одам, хоҳлаган вақтда платформага кириб, ишланмалар билан танишиши мумкин, ҳафталик сессияларида бевосита иштирок этиш ёки истаган пайтида ютуб каналдан томоша қилиш имконига эга бўлади.

Ҳар йили ўтказиладиган InnoWeek инновацион ғоялар ҳафталиги бу йил пандемия шароитида онлайн тарзда ўтказилиши юртимизда 3D техно-

Вазир бўлганимдан бери лабораторияда ишлашга деярли нуқта қўйдим, десам ҳам бўлади. Илмий мақолалар ёзишга ҳам вақтим жуда кам. Шундай бўлса-да, илмий фаолиятимни тўхтатиб қўйганим йўқ.

логияларнинг ривожланишига ҳисса қўшмоқда, деб умид қиламан.

– Сизни давтаввал олим сифатида таниганмиз. Давлат ташкилотига раҳбарлик қилиш феъл-атворингиз ва илмий фаолиятингизга қай даражада таъсир ўтказди?

– Олим кунлик эришган натижасидан қониқиш ҳиссини туя олиш имкониятига эга бўлса, вазирликдаги раҳбарлигим кўп тармоқли фаолият олиб боришимни тақозо этади. Тузилган режанинг натижаси бир ўзимга эмас, жамоанинг салоҳиятига ҳам боғлиқ. Фанда тажриба қилиб кўриш ва унинг бошида туриш имконияти бор. Бошқарув тизимда эса аксарият ҳолларда ходимларнинг истак-хоҳиши, ирода-си ва кўникмаларига кўп нарса боғлиқ бўлиб қолади. Агар илмда бирор натижага эришмасам, ўзимдан норози бўлман, бошқарувда эса бировлардан ҳам норозилик ҳисси уйғонаркан. Шу боис раҳбар бўлганимдан кейин ўзимдан қониқмаслик ҳисси кучайди, десам тўғри бўлади.

Илмдаги менежмент горизонтал бўлиб, илмий жамоа раҳбари лаборант билан ҳам, академик олим билан ҳам тўғридан-тўғри мулоқот орқали ишлайди, шунда илмий фаолият самара беради. Давлат бошқарувида эса горизонтал тизим ишламайди. Масалан, вазир ўринбосари, у бошқараётган сектордаги жамоага бевосита иш буюришингизни ҳар доим ҳам тўғри тушунавермайди. Вазирлик ва идораларда вертикал тизим ривожланган ва жамиятимиз шунга ўрганган. Давлат идорасида вертикал тизимнинг бузилиши мураккабликларга олиб келади, вертикал тизимнинг ҳамма бо-сқичларида норозиликлар пайдо бўлади. Айнан мана шу вертикал тизимга мослашишим кийин бўлди...

Аммо, шунга қарамай, ва-

зирликда ҳам худди лаборантларим билан олдин ишлагандек, ишчиларим билан тажриба ўтказётгандек ўзимни чегараламасдан, ҳамма билан ишлашга ҳаракат қиламан. Яна бир жиҳат, олим иш кунининг аксарият қисмини ўз тадқиқотига бағишлаш имкониятига эга. Раҳбар бўлганимдан кейин турли масалаларни бир пайтнинг ўзида ечишга тўғри келади. Режадан ташқари чалғитувчи, лекин муҳим, тезкор ечим талаб қиладиган масалалар жуда кўп бўлади, бунга дарров мослашиш олим учун жуда қийин.

Вазир бўлганимдан бери лабораторияда ишлашга деярли нуқта қўйдим, десам ҳам бўлади. Илмий мақолалар ёзишга ҳам вақтим жуда кам. Шундай бўлса-да, илмий фаолиятимни тўхтатиб қўйганим йўқ.

Ҳалигача илмий монографиялар ёзаман, улар халқаро илмий нашрларда мунтазам чоп этилиб туради. Илмий фаолиятимдаги катта жараёни маҳкам ушлаб турибман, бу – рецензентлик. Қатор илмий журналларда муҳаррирлик қиламан. Бу вазирлик раҳбари сифатида дунё илм-фанида юз бераётган янгиликлардан бохабар бўлиб туриш имконини ҳам беради.

Геномика ва биоинформатика марказидаги олимлар билан учрашувлар, илмий мунозараларга ҳам имкон қадар вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Жамоа билан вақти-вақти билан семинарлар ўтказиб тураемиз. Унда йўналишимизга дунёдаги сўнги янгиликлар билан ўртоқлашамиз, соҳага доир долзарб мақолаларнинг ҳеч бўлмаса, телеграм орқали муҳокама қилишни йўлга қўйганман. Авваллари марказимиз олимлари, докторантлар, аспирантларга маъруза ўқишим табиий жараён эди. Бунга, афсуски, ҳозир вақт топшининг асло имконияти бўлмапти.

Негаки маърузаларга тайёргарлик кўриш керак, бунга энди сира вақт йўқ. Илмий мақолалар устида эса ҳозирда кўпроқ шогирдларим ишлашади, мен мақолага йўналиш беришим, уни таҳрир қилиб, замонавий фан тенденцияларига мослаштиришим мумкин.

Йўқотишларим ҳақида гапирдим, лекин айнан илм-фан учун топганларим ҳам бисёр. Вазир сифатида ҳозирда илмга кенгроқ қарашга ўргандим.

Илм-фани иқтисодиёти-мизга, юртимиз ижтимоий ҳаётига фойдаси тегадиган ишланмалар яратишга йўналтириш лозимлигини англадим. Олимларга тўғри вазифа қўйиш кераклигини тушундим. Мисол тариқасида келтирмоқчиман, саратон ҳужайрасини соғломлаштириш лозими ёки аксинча соғлом ҳужайрани саратон ҳужайрасига айлантириш керами? Иккови ҳам шу касалликнинг қандай кечиши, нима

сабабдан юзага келишини очиб беради. Бироқ ҳозирги тажрибамдан келиб чиқиб, саратон ҳужайрасини соғлом ҳужайрага айлантириш вази-фасини олдимга қўйган бўлардим, негаки натижага эришгандан сўнг уни тўғридан-тўғри жорий этиш имконияти бор, тескари ҳолатда, амалиётга чиқиш учун яна меҳнат қилиш лозим бўларди. Ҳозирда ҳар бир эксперимент, ҳар бир илмий иш, ҳар бир тадқиқот юртимизга, халқимизга фойда келтириши керак, деб ҳисоблайман. Ва бугунги кунда айнан шу масаланинг тарғиботи билан шуғулланяпмиз, яъни илмий фаолият бошлашдан олдин вазифани аниқ белгилаш ва бунда қўзланган натижани амалиётга жорий қилиш имкониятини юқори қилиб белгилаш тизимини жорий қила-япмиз.

– Интернет ва ижтимоий тармоқларни кузатиб борасизми ва танқидларга муносабатингиз қандай?

– Мен ўзи азалдан танқидга ўчман. Олимнинг объекта, воқеалар ва жараёнларга танқидий қарashi табиий ҳолат. Бу илмий фаолиятимга ҳам, илмий ишларни ташкил этиш жараёнларига ҳам бирдек таллуқли. 2011 йил АҚШдан Ўзбекистонга қайтиб, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида илмий ходим бўлиб иш бошлаганман. У пайтлари бу институтда илмий иш қилиш учун шароит мен хоҳлагандек эмасди. Шунда шароит йўқ, ишламайман, кетаман, дейишдан йироқ бўлганман. Негаки, бунда доир долзарб мақолаларнинг ҳеч бўлмаса, телеграм орқали муҳокама қилишни йўлга қўйдим. Хоналарни таъмирлаш керак, аммо бунга пул йўқ. Маошимиз ҳисобидан ҳам бунинг уддасидан чиқиб бўлмайди, чунки ойликлар жуда кам. Шунда халқаро грантларни жалб қилиш масаланинг ечими бўлади, деган қарорга келдим, шунга ҳаракат қилдим. Ва хорижий грант маблағларини жалб этиш орқали институтда замонавий лаборатория ташкил этилди. Лаборатория кейинчалик ўсиб, ривожланиб, ҳукуматимиз эътибори туфайли янги Геномика ва биоинформатика марказига айланган.

Раҳбар сифатида танқидларга ҳам ижобий қарайман. Аммо аксарият ҳолларда танқидлар умумий характерга эгаллиги, “танқид учун” танқид қилинган одамда мана шу муаммонинг ечими учун таклиф ҳам бўлиши керак.

Олимларимиз ёки вазирлигимиз жамоасига бирор камчилик, хатони кўрсатиш билан бирга шу муаммони бар-тараф этиш чораларини ҳам

топиш ва уни таклиф сифатида бериш кераклигини бот-бот такоррайман. Инновацион соҳада “йўқ” деган сўзнинг ўзи ишлатилиши ноўрин. Дейлик, бир фуқаро қандайдир гоёси, таклифи ёки лойиҳаси билан келди. Унга “йўқ, бўлмайди” деб жавоб беришимиз керакмас, аксинча шу гоёсини амалга ошириши учун қандай иш тутиши кераклигини, нималарни тўғрилаши лозимлигини, қайси му-тахассислар билан маслаҳатлашиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатишимиз лозим. Шунинг учун ҳозирда лойиҳаларни қайта ишлаш имконини берувчи янги тизимни йўлга қўйди, камчилик борми – агар тузатиш ва тўлдириш мумкин бўлса, бундай имкониятни лойиҳа ташаббускорларига беряпмиз. Бу мунтазам жараёнга айланиб борапти.

Ўз навбатида, ижтимоий тармоқлардан келган барча саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Умумий танқидларга ҳам аҳамият бериб, уларнинг ечимини қидира бошлайман.

– Фаол ҳаёт тарзи учун нималардан куч оласиз?


– Янгиликлардан ҳаммisha хабардор бўлиб туриш менга куч бағишлайди. Илм-фан, бошқарув соҳасида янги бил-имларга эга бўлиш кундалик чарчоқларни енгишга хизмат қилади. Бундан ташқари, хорижий кўчмақсбларим, олимлар билан мунтазам равишда электрон почта орқали мулоқотда бўлиб тураман. Бу соҳадаги янгиликлардан биринчилар қатори хабардор бўлишимга ёрдам беради. Рецензиялаш фаолиятим ҳам мени руҳлантиради, кимнингдир илмий ишнинг мақола шаклидаги натижасини кўриш, унга фикр билдириш менга завқ бағишлайди.

Яна янгиликларга муносабат билдиришни ҳам ёқтираман. Жамиятимизда, дунёда бўлаётган ўзгаришларга, ислоҳотларга ўз фикримни билдиришим менга куч бағишлайди.

Шунингдек, бир томондан, ота-онам билан доимий суҳбатлар менга далда беради, улардаги шукроналик, эртанги кунга ишонч мени янада қатъиятли бўлишга ундайди. Иккинчи томондан фарзандларимнинг ўсиб, камол топаётгани кўнглимни ёритади. Фарзандларим ҳозирда ўсимир ёшда. Бунинг ҳам ўз гашти бор экан. Улар билан суҳбатлашиш кайфиятимни кўтаради. Болаларимнинг мен кутмаган интилишлари, режалари, қилаётган ҳаракатларидан қувонаман, уларнинг шижоати менга ҳам ўтади гўё. Ота-онам ва оилам мени тушқунликдан қутқаради, десам муболага бўлмайди.

Нурилло ТҲУТАСИНОВ
суҳбатлашди

Раҳбар сифатида танқидларга ҳам ижобий қарайман. Аммо аксарият ҳолларда танқидлар умумий характерга эгаллиги, “танқид учун” танқид қилинган одамда мана шу муаммонинг ечими учун таклиф ҳам бўлиши керак.





АТРОФИМИЗДА КОРОНАВИРУС ИЗҒИБ ЮРГАНДА

БУ БИЗ УЧУН ЖУДА МУҲИМ

Соғлиқ бевосита иммун тизими фаолиятига боглик. Айниқса, атрофимизда турли инфекция ва вируслар, жумладан, коронавирус изғиб юрган пайтда бу жуда муҳим. Иммунитет тананинг учинчи, эҳтимол, асосий тартибга солувчи тизими ҳам бўлиши мумкин. Қолган иккитаси – нерв ва эндокрин тизимлар. Улар биргаликда ишлайди. Биринчи муаммо юзага келса, бутун танада носозликлар кузатилиши муқаррар.

Инсон иммунитети ниҳоятда мўрт: экология, стресс ва нотўғри овқатланиш уни ҳар куни емириб боради. Шамоллаш мавсумида организмга кўмаклашиш учун мутахассислар таомномани яхшилашни маслаҳат беришади.

Иммунитетни туширувчи омиллар

Ёмон экология: сув, ҳаво, инсектицидлар, гербицидлар, радионуклидлар. Ота-боболаримиз бизга нисбатан яхшироқ экологик шароитларда яшашган, шу сабабли елвизақда шамоллаб қолишмаган ва бир қултум сувдан ангигани орттириб олишмаган.

Овқатланиш. Таркибида қарийб 1000дан ортиқ консерванту стабилизатор, бўёқ ва юмшатикичлар бўлган сифатсиз, сунъий, захарланган, маринадланган таомлар ҳамда қанд миқдори мўл маҳсулотлар иммунитетни, яъни ҳимоя тизимларининг ташқи омилларга қарши қурашувчанлигини заифлаштиради. Гомеостазимизни издан чиқарувчи, қанд ўрнини босувчи моддалар билан нордон, ширин, вишиллайдиган ичимликлар ҳужайра ва ҳужайралараро сув муҳитини захарлаб, иммунитетни ишдан чиқаради.

Аёллар иммунитетига оч қолиш ва доимий парҳезлар қақшатқич зарба беради. Иммунитетга ортиқча вазн ҳам, унинг етишмаслиги ҳам ҳалокатли таъсир кўрсатади. Шундай экан, ҳам оч қолмаслик, ҳам кўп овқат еб қўймаслик керак.

Витамин ва микроэлементлар танқислиги. Рух ва селен сингари ферментлар алмашинувида қатнашувчи ҳаётий зарур микроэлементлар етишмовчилиги. А витамини танқислиги ёт оксил кириб келишига тананинг иммун таъсирини сустайтиради. В гуруҳидаги витаминлар жисмоний стресс чоғида ва куч-қувватдан қолганда иммун фаолликини рағбатлантиради. В витамини бирдан камайиб кетганда организмнинг инфекцияларни нобуд қилувчи антитаначалар ишлаб чиқариши сезиларли камаяди. С витамини танқислиги иммунитетга турли-хил салбий таъсир кўрсатиши мумкин: ҳимоя кучларининг патологик ҳолатлар ҳақидаги сигналларга таъсирини заифлаштиради, инфекцияларга қарши қурашувчи антитаначалар ажралиш тезлигини қисқартиради.

Антибиотиклар. Немис шифокорлари тадқиқотига кўра, ҳар қандай антибиотик (ҳатто кўрсатмага биноан қабул қилинганлари ҳам) иммунитетни 50 – 75 фоиз қисқартирар экан. Шу тўғрисида маслаҳатимиз: зинҳор ўз билганингизча даволанманг ва дорихоналардан “таниш” антибиотиклар харид қилманг. Ҳатто улар рецетпсиз сотилаётган бўлса ҳам! Шифокор буюрган антибиотиклар қабулини чеклаш ниҳоятда муҳим, бироқ таркибида антибиотиклар бўлган гўшт истеъмолини чеклаш янада муҳим. Фақат ўзингиз ишонадиган дўконлардан табиий мол ва парранда гўшларини харид қилинг. Айрим ишлаб чиқарувчилар паррандаси тезроқ катталашини учун уларни антибиотиклар билан боқишади. Баъзи мутахассислар фикрича, антибиотиклар қуш-

ларни касалликлардан ҳимоя қилар экан. Бироқ тиббиёт ходимлари сўзларига кўра, бундай антибиотикларнинг ортиқчаси иммунитетни пайсатириши ва антибиотикларга бардошли бактериялар пайдо бўлишига олиб келади.

Стресслар. Доимий стресслар... Стресслардан қочиш кутулиб бўлмайди – уларга қарши тура билиш керак. Стресс билан саратон касалликлари ўртасида боглиқлик борлигини эҳтимол билмасиз.

Вирусли инфекциялар, микроблар, бактериялар. Тажовузкор бактерия, вирус, замбуруғ ва бошқа паразитлар. Охириги пайтларда параллел оламнинг тажовузкорлиги ортани кузатишмоқда. Ҳатто авваллари шартли патоген ҳисобланган бактериялар ҳам ўз тажовузкорлигини намоён эта бошлашган. Микробиологлар ҳисоб-китобига кўра, оддий ошозига тушади. Бунча миқдордаги микроорганизм ҳар қандай касалликни ривожлантириш учун кифоя қилади.

Сурункали уйқуга тўймаслик яна бир хавфли омиллардан бири саналади.

Иммунитетни қўтаришга хизмат қилувчи 6 талаб

Соғлом бўлишни истасизми – турмуш тарзингизни ўзгартиринг. “Диванда ётиш йўқ, жисмоний машқларни бажариш ва тоза ҳавога чиқиш!” ширингиз бўлсин. Стресс – иммунитетнинг асосий душмани, уни иложи борица ўзингиздан узоқлаштиринг ва бўлар-бўлмасга асабийлашманг. Имкон қадар ижобий фикрланг. Бироқ иммунитетни мустаҳкамлашни албатта озиқ-овқатдан бошланг.

1. Витамин ва минераллар
Иммун тизим учун энг муҳим витаминлар: А, В5, С, D, F, PP;

Ўсимлик озуқаларининг деярли ҳаммаси, айниқса, сариқ ва қизил ранглилари (сабзи, қизил булғори, қовун, помидор, қовоқ) таркибида танада А витаминига айланувчи бета-каротин мавжуд. А витамини ва каротинлар иммун кучининг антигенлар ҳужумига реакциясига жавоб беради; яна улар қайсидир даражада саратон касалликларидан ҳимоялайди.

С витаминининг асосий манбалари барчага маълум: қора смородина, наъматак, цитруслар, чаканда, петрушка, нордон карам, лимон. Мазкур витамин танқислиги антитаначалар ишлаб чиқариш тезлигини қисқартиради, унинг таом билан етарлиқ тушиши эса тўлақонли иммун ҳужайралар ажралиши кафолатидир.

В гуруҳидаги витаминлар писта, қора нон, ёнғоқ, гречиха, дуккакилар, ундирилган буғдой, қўзиқорин, пишлоқ таркибида бор. Е витамини ёнғоқ, писта ва ундирилган буғдойда бисёр – ҳужайралардан ҳимоя қилувчи антиоксидантлар. Е витаминининг бошқа манбаи – рафинадланмаган ўсимлик ёғи.

Минераллар. Селен, рух, магний, кальций, темир, йод, марганец. Ўсимлик маҳсулотларидан таркибида минерал моддалар кўплиги бўйича етакчилари: ёнғоқ, дуккакилар, писта, ёрмалар, какао ва ачиқ шоколаддир.

2. Овқатланиш

Тулақонли оқсил: гўшт, балиқ, дуккакилар. Гўшт ёки балиқни ҳар куни, ловия, нўхат ёки ясиқни ҳафтасига 1-2 бор истеъмол қилиш керак

Сабзавотлар, мевалар ва резаворлар. Сабзи, лавлаг, карам, ловия, турп, қизил булғори, анор, майиз, олхўри, баргак, олма, қизил узум, ёнғоқ, елкаламбир, саримсоқ, пиёз, шунингдек, қуюқ шарбатлар (узум, лавлаг, анор).

Денгиз маҳсулотлари. Балиқ ва денгиз маҳсулотлари таркибида-

ги тўйинмаган ёғ кислоталари тана ҳимоя кучларини оширади. Аммо узоқ вақт иссиқ билан ишлов берилганда фойдали моддалар парчаланиб кетади. Айниқса, кальмар ва денгиз карами айни муддао.

Таркибида калий мавжуд маҳсулотлар. У пўсти билан пиширилган картошка, ўрик, ёнғоқ, гречиха ва сули ёрмаларида мўлроқ.

Сут-қатик маҳсулотлари. Таркибида тирик бактериялар борларида кўп. Хилма-хил биокефирлар ва биоюгуртлар интерферон ажралишини кучайтиради. Шундай экан, уларни қўрқмасдан ичиш ва ҳатто салат ва яхна шўрваларга қўшиш мумкин. Улар таркибидаги метионин танадан радионуклидларни чиқариб юборишга кўмаклашади.

Кўк чой. Организмдан радионуклидларни чиқариб юборадиган энг яхши восита.

Ўта фойдали. Таомномага брокколи, сабзи, биоқўшимчали сут маҳсулотлари, қулупнай, киви, қовоқ, лосось, кедр ёнғоғи, зайтун ёғи, курка гўшти, цитрус меваларни кўпроқ киритинг. Таомга кўкчалардан мўлроқ қўшинг: петрушка, шивит, селдерей... Қовоқ, қовоқча, патиссонни мунтазам истеъмол қилиш ажойиб самара беради.

3. Пробиотиклар

Танада фойдали бактериялар сонини оширувчи маҳсулотлардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Улар пробиотик маҳсулотлар сифатида омалашган ва бу рўйхатга пиёз, кўкпиёз, саримсоқ, артишок, банан қиради.

4. Чинқиш

Сузиш, чайиниш ва контраст душ чинқишга ёрдам беради. Юқори ва паст ҳароратни галма-гал алмаштириш – иммун тизими учун ажойиб машғулот. Ҳаммом ва сауналар ҳам ажойиб тоблаш хусусиятига эга. Мабодо у ерга боришга имконингиз бўлмаса, оддий контраст душ қабул қилинг. Душдан кейин нам мочалка ёки дағал сочиқ билан бадани ишқалашни унутманг.

5. Фаол турмуш тарзи

Фойдали жисмоний машқлар: гимнастика, аэробика, фитнес, югуриш, сузиш, кўп пиёда сайр қилиш, шейпинг, тренажёрлар... Бундай хилма-хилликдан, шубҳасиз, таъб, кайфият ва чўнтакка қараб фойдаланса бўлади. Лекин метёрни унутманг! Ҳаддан ташқари зўриқшининг иммунитет учун зарарлиги исботланган.

6. Тинчланиш

Ишдан уйга қайтгач, диванга чўзиллинг, кўзларни юминг ва ёқимли нарсалар ҳақида ўйланг, чуқур, бир текис нафас олинг. Майин мусиқа тингласангиз ҳам бўлади. Бу кун давомида йиғилиб қолган чарчоқни тарқатади ва стресснинг иммунитетни енгишига йўл қўймайди.

Шоҳида ИСРОИЛОВА
тайёрлади



Оширилаётган маошлар ва бекор бўлаётган имтиёзлар...

Адлия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” канали 2020 йил 1 ноябрдан кутилаётган ўзгаришлар ва воқеаларнинг шарҳини эълон қилди.

1. Ҳар йили ноябрда

“Кексалар учун туризм ойлиги” ўтказилади

Ҳукумат қарорига кўра, ноябр ойи “Кексалар учун туризм ойлиги” деб эълон қилинган. Ушбу тадбир доирасида ҳудудлардаги туризм инфратузилма объектлари томонидан ихтиёрий тақдим қилинадиган чегирма ва акциялар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг веб-саҳифаларида эълон қилиб борилади.

2. Солиқ кодекси билан берилган куйидаги имтиёзлар бекор қилинади:

Ер солиғи бўйича куйидагилар томонидан эгалланган ер участкалари:

- соғломлаштириш ҳамда дам олиш жойлари, хусусан дам олиш уйлари;
- аҳолининг оммавий дам олиши ва туризм учун жойлар, агар улар тадбиркорлик фаолияти учун ажратилган бўлса;
- санаторий-курорт объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса;

Мол-мулк солиғи бўйича санаторий-курорт хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари, агар улар туристик зоналарда жойлашган бўлса.

4. ДТМ ҳамда Бадий академия ходимларининг маошлари оширилади

ДТМ бошқарув ходимлари лавозим маошларини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,5 баравар миқдорда қўлланилади. Ўзбекистон Бадий академияси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошига 100 фоиз миқдорда ойлик устамалар белгиланади.

5. Экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорларга маҳсулотларни хориж фитосанитария талабларига мувофиқлаштиришга амалий ёрдам бериш учун ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилади.

Ўз ҳудудида аниқланган зарарли организмлар ҳамда фитосанитар дала назоратини ўтказиш тўғрисида Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига ихтиёрий мурожаат қилган ва уларнинг оқибатларини бартараф этган шахслар маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

6. Божхона тизимида янгича тартиб

Божхона тизимида куйидагича тартиблар ўрнатилади:

- божхона юк декларациясини расмийлаштириш вақти хавф даражасидан келиб чиқиб, 3 суткадан 1 кунгача қисқартирилади;
- божхона назоратининг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш орқали товарларни божхона ҳамроҳлигида кузатиб бориш

ҳолатлари қисқартирилади;

- Давлат божхона қўмитасининг хавфларни бошқариш тизими автомобил чегара божхона постларида жорий этилади;
- транспорт воситаларини вақтинчалик олиб киришда ташувчига реал вақт режимида электрон шаклда қайта олиб чиқиш муддати тугашидан олдин вақтинчалик

олиб кириш муддатини узайтириш ва тегишли йиғимни тўлашни амалга ошириш имконияти тақдим этилади;

- “божхона ҳудудида қайта ишлаш” божхона режимида қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиш нормасини идентификациялаш ва баҳолаш услубияти тадбиркорнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилади.

7. Мобил алоқа операторлари учун имтиёзлар

Мобил алоқа операторларига радиоэлектрон қурилмалар, асбоб-ускуналар ва бошқа қурилмаларни Ўзбекистонга олиб кириш рухсатномасини, сотиб олиш, ўрнатиш, лойиҳалаш ва куриш учун рухсатнома олмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳуқуқи берилади. Барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) ваколатлари юклатилди.

8. Давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштироки кенгайтирилади

Давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш мақсадида:

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган импорт товарлари харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда кузатув кенгашилар томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади;
- хорижда ишлаб чиқарилган алоҳида товарлар, шунингдек, хорижий шахслар томонидан бажариладиган ишларнинг давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланади ва чегараланади;
- Давлат харидларидаги иштироки вақтинчалик тақиқланган ва чегараланган, хорижда ишлаб чиқарилган товарлар бўйича тендер (танлов) иштирокчилари таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг СІР (Ўзбекистон) нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА

ИНСОНЛАР

SAMSUNG RAQBARI LI GON XI
78 ЁШИДА ВАФОТ ЭТДИ

Samsung Electronics бошқаруви раиси Ли Гон Хи Сеулдаги касалхонада вафот этди.

Сўнги бир неча йил давомида саломатлиги билан боғлиқ муаммолар туфайли Ли Гон Хи компаниянинг расмий рақбари эди, аслида эса концернни ўғли Ли Чже Ён бошқариб келган.

Охириги бир неча йил мобайнида Ли Гон Хи касалхонада ётган. Саломатлиги ёмонлашишига 2014 йилда бошидан кечирган юрак хуружи сабаб бўлган.

"Раис Ли Samsungни маҳаллий бизнесдан етакчи дунё новаторига ва саноат гигантига айлантира олган олдидан кўра билувчи инсон эди. Унинг 1993 йилдаги "янги менежмент" ҳақидаги баёноти компаниянинг глобал жамият ривожини унча энг яхши технологияларни тақдим этиш бўйича фаолиятда ҳаракатга келтирувчи куч ролини ўйнади", — дейилади концерн баёнотида.

Ли Гон Хи 1942 йил 9 январда туғилган. Унинг отаси — Ли Бен Чхол Samsung Electronicsга асос солган.



ХАВФСИЗЛИК

ГОЛЛАНД ХАКЕРИ ТРАМПНИНГ
ТВИТТЕР-АККАУНТИНИ БУЗДИ

Нидерландиянинг de Volkskrant наشري хабар беришича, кибермутахассис Виктор Геверс АҚШ президенти Доналд Трампнинг твиттер-аккаунти паролини билишга муваффақ бўлди. Аккаунтга кириш қийинчилик туғдирмаган, Геверс бешинчи уринишдаёқ паролни тўғри топган.

Геверс парол жуда оддийлигини айтди: ma2020! — бу MakeAmericaGreatAgain сўзларининг қисқартмаси.

Кибермутахассис киришга уринишида блокларларини ёки тасдиқловчи маълумот сўралишини кутган, ammo бундай бўлмади, президент аккаунти ҳатто икки босқичли аутентификация тизими билан ҳам ҳимояланмаган экан!

Виктор Геверс Трампнинг твиттерини 16 октябрда бузганини, эртаси кунни ўзи билан боғланган АҚШ махфий хизматларига керакли маълумотларни тақдим этганини айтган.

Бироқ Оқ уйдагилар нидерланд хакерининг иддаоларини рад этмоқда — барчаси ёлгон!

МАС.ЛАХАТ

СМАРТФОН НЕГА ҚИЗИБ НЕТАДИ?
МУТАХАССИС ТЕЛЕФОННИ САҚЛАБ
ҚОЛИШ ЧОРАСИНИ АЙТДИ

Смартфон ишлаш жараёнида энгил исиши хавотирли эмас. Бироқ қўлда тутиш ноўнгай даражагача қизий бошласа бирон чора кўрмасангиз бўлмайди — бу ҳақда "Роскачество" рақамли маҳсулотларни синовдан ўтказиш бўйича катта мутахассиси Сергей Кузменкога асосланиб "Прайм" агентлиги ёзмоқда.

Процессор, батарея ёки дисплейдаги муаммолар — телефон қизиб кетишининг бош сабабчилари. Юқори ҳарорат ҳар доим ҳам деталларнинг носозлигидан далолат эмас, бироқ шунга олиб келиши мумкин.

"Узоқ вақт ўйин ўйналса, оқимли контентдан (видео) фойдаланилса ёки соламаларнинг жойида эмаслиги телефоннинг қизилишига олиб келади. Қолаверса, об-ҳаво, ҳарорат каби ташқи омиллар ҳам қурилманинг қизилишига сабабчи бўлиши мумкин", — тушунтирди мутахассис.

Смартфон энгил исишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлаверди, ammo кучли қизиб кетиши ёмон — қурилма бузилиши, ҳатто батареяси ёниб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Мутахассис эски телефонларнинг кўпроқ қизилиши сабабини ҳам тушунтирди — замонавий иловаларни янгилаб олиш учун улар кўпроқ ресурс сарфлайди.

"Мабодо телефон қизий бошласа, учириб, қайта ёқинг, ортиқча, кўп ишлатилмайдиган функцияларини, масалан, GPS ва Bluetooth кабиларни ўчириб қўйинг. Смартфон оператив хотирасини тозалаб берувчи дастурлардан фойдаланинг. Кучсиз смартфонларга оғир ўйинлар (кўп ресурс сарфловчи) ўрнатманг", — маслаҳат берди Кузменко.



ЭКРАНЛАР


ЎТА ЮҚОРИ ТИНИҚЛИККА ЭГА ДИСПЛЕЙ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Жанубий Кореянинг Samsung компанияси ҳамда Стэнфорд университети мутахассисларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари сабаб ўта юқори тиниқликка эга дисплей яратилди. Қўлга киритилган OLED панелдаги пикселлар зичлиги 1 дюйм учун 10 мингга тенг. Бу ҳақда университет сайтида эълон қилинган маълумотларда сўз боради.

Бу каби зичлик экранни кўзга жуда яқин турадиган гаджетлар учун мулжалланган. Таққослаш учун, замонавий смартфонлардаги пикселлар зичлиги ҳар дюймга 400-500 атрофида.

newOLED шартли номини олган ихтиро органик ёруғлик диодлар технологияси асосида яратилган. Шунингдек, бу турдаги янги дисплейни яратишда олимпилар қуёш панеллари технологиясига ҳам таянган.

"Технологиямиз қуёш па-



нелларини жиҳозлаш учун ҳам мос келади, энди эса дисплей таъсир кўрсатиш имкониятимиз пайдо бўлди", — дейди Стэнфорд университети тадқиқотчиси Марк Бронгерсма.

newOLEDга берилган изоҳда панелни яратиш вақтида унинг қатламлари орасига ёруғлик қайтаридиган махсус плёнкалардан фойдаланилгани ёзилган: биттаси кумушдан, иккинчиси эса нанотузилмавий

металлдан. Натижада маълум бир ранглар пикселлар орқали резонанцияга учраса, ушбу эффект ҳосил бўлади. Шу орқали аклантириш панелининг хусусияти ўзгаради ва пикселлар сони ортади.

Мутахассисларнинг аниқлик қилишича, янги турдаги экрандан истеъмол электроникасида ҳам фойдаланиш мумкин. Хусусан, VR-гарнитуралар ва шу турдаги аксессуарларда.

АЙФОНОМАНИЯ

ТУРЛИ ДАВЛАТЛАРДА IPHONE 12 PRO
СОТИБ ОЛИШ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ ИШЛАШ КЕРАК?

Таҳлилчилар Арренинг янги смартфони — iPhone 12 Proнинг нархини турли давлатлардаги ўртача иш ҳақи билан таққослаб, уни сотиб олишга етадиган пулни қайси давлатда тезроқ ишлаб топиш мумкинлигини аниқлашди.

Picodi портали таҳлилчилари ўтказган iPhone 2020 индекси тадқиқотида iPhone 12 Proнинг 128 Гб хотирага эга версияси асос қилиб олинган. Қурилманинг нархи 1099 долларни ташкил қилади.

Аниқлаштиришда, ўртача маош оладиган швейцарияликларга бунинг учун энг кам вақт — 4,4 кун талаб этилар экан. Америкаликлар iPhone 12 Proга етадиган пулни топиш учун 6,1 кун, австралияликлар ва люксембургликлар эса 6,6 кун ишлашлари керак.

Қўриб чиқилган давлатлар ичида Мексика ва Ҳиндистонда iPhone 12 Proга етадиган пулни ишлаб топиш учун энг кўп вақт — 54,4 кун ишлаш талаб этилиши маълум бўлди.

Индекс iPhone 12 Proнинг Apple худудий дўконларидаги расмий нархлари асосида ҳисоблаб чиқилган. Турли давлатлардаги ўртача маош ҳақидаги маълумотлар эса миллий статистика бошқармалари сайтларидан олинган.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

Бош Имом (Ал-Азхар шайхи) бошчилигидаги видеоконференцияда, Мусулмон Донишмандлар кенгаши, раҳмат пайгамбарига қарши амалга оширган ҳақоратлари сабабли “Шарли Эбдо”га қарши суд даъвоси очиш учун, халқаро қонун мутхассисларидан иборат қўмига тузишга қарор қилди.

УЛАМОЛАР “ШАРЛИ ЭБДО”ГА ҚАРШИ ҚЎМИГА ТУЗДИЛАР

Душанба куни Бош Имом, Ал-Азхар мажмуаси шайхи, устоз профессор Аҳмад Тоййиб бошчилигида видеоконференция воситасида “Мусулмон Донишмандлар” кенгаши бўлиб ўтди.

Йиғилиш мобайнида “сўз эркинлиги” шиори остида Исломи пайгамбарини камситиш ва амаломий муқаддасотларни масхара қилишга уринаётган мақсадли ҳаракатлар қаттиқ танқид қилинди. Шу билан бирга, кенгаш француз ўқитувчининг ўлдирлиши ҳодисасини, шунингдек Эйфел минораси яқинида икки муслима аёлга қарши содир этилган пичоқлаш ва ўлдирлишига ташаббус ҳодисасини қаттиқ қоралашини ва амалга оширувчиси ким бўлишидан ва бу ишга ундовчи омилар нима бўлишидан қатъи назар, бу ҳодисаларнинг барчаси жирканч террор эканини таъкидлаб ўтди.

Кенгаш “сўз эркинлиги” иборасини Исломи пайгамбари Муҳаммад солаллоху алайҳи васалламини ва Исломи дини муқаддасотларини ҳақоратлаш учун баҳона қилиб олишни кескин

рад этишини билдирди. Сўз эркинлиги ўзганинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам муҳофаза қилувчи ва сиёсат ва сайлов компаниялари бозорларида динни тижорат воситаси қилиб олиши монъелик қилувчи ижтимоий масъулият доирасида бўлиши лозимлигини қаттиқ таъкидлади.

Донишмандлар кенгаши, яшаётган юртларидаги барча ижтимоий унсурларга нисбатан биргаликда яшаш, тинчлик ва ватандошлик қадриятларига риоя қилиш, ўз тамойиллари, диний ва маданий хусусиятларини муҳофаза қилган ҳолда, қайта қуриш ва ривожлантиришга мустаҳкам ҳисса қўшадиган тарзда мазкур жамиятлар билан ижобий уйғунлашиш борасидаги Фарбдаги мусулмон ватандошларга қаратилган қақирғини яна бир бор қайтарди.

Фарбдаги мусулмонларни Исломи қора отлик қилиши, унинг террор ва мурасизлик дини экани тушунчаларини инсонларнинг кўнглидан мустаҳкам жой олишини кўзлаган ва мусулмонларга қарши адоватни ҳаракатга



келтирувчи сиёсий қақирғинларга эргашмасликка қақирғилди.

Кенгаш, нафрат ва фитна нутқларига қарши туриш тинч, ақлоний ва қонуний йўллар билан бўлиши лозимлигининг аҳамиятига инонган ҳолда, мазкур ҳақоратларга қарши кураш суд маҳкамалари ва қонуний йўллар билан тез орада амалга ошишини таъкидлади.

Шунингдек, Кенгаш нафрат, диний ёки этник камситиш ва Исломига қарши адоват фаолиятларини жиноий жавобгарликка тортувчи халқаро қонунлар чиқарилиши талаб қилиш орқали нафратомуз чиққишларга қарши курашишни барча мусулмонлардан талаб қилади. Фарб оқил одамлари ва мутафаккирларини Исломига қарши уюштирилаётган

бу режали ҳамлага, унга қарши олиб борилаётган душманликка, Исломи сайловга оид сиёсий курашлар майдонига итқитишга тўсқинлик қилишга ва ўзаро тинч-тотув яшаш ҳамда инсоний ҳамжихатликка муносиб соғлом муҳитни ҳозирлашга қақиради.

2018 йилда ташкил этилган мусулмон жамоалари Жаҳон Кенгаши бутун дунёдаги мусулмон олим ва мутафаккирларни бирлаштиради. Унинг мақсади бугунги воқеликка мос келадиган ва миллий давлатлар, динлар, маданиятлар ва бутун цивилизациялар ўртасидаги чегараларни ёритадиган глобаллашувнинг муаммоларига жавоб бера оладиган Исломи ҳаққидаги замонавий қарашларни концепциялаш ва оммалаштиришдир.

БМТ: Яманда ўн минглаб бола очликдан ўлиши мумкин

Ташкилот маълумотида қараганда, Яманнинг аксар ҳудудларида болалар тўйиб овқатлана олмаяпти ва бунинг оқибатида 100 минг бола нобуд бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат тақчиллиги кузатилаётган ушбу мамлакатда бу йил коронавирус пандемияси туфайли аҳвол янада оғирлашган. Қуроли тўқнашувлар Яманга гуманитар ёрдамларни етказишга салбий таъсир кўрсатди. “Йул ойдан бери оғоҳлантириб келяпмиз. Яман ваҳимали даражадаги озиқ-овқат инқирозига учради, агар уруш тўхтатилмаса, мамлакатнинг энг ёш авлоди йўқ бўлиб кетиши мумкин”, – деди БМТнинг гуманитар ёрдам координатори Лиз Гранде.

БМТ экспертлари таҳлиliga кўра, жорий йилда Яман жанубидаги болалар орасида таъйиб овқатланмаслик даражаси 10 фоизга ортан ва уларнинг зони 500 минг нафарга етган. Ҳаёти хавф остида бўлган болалар сони эса 15,5 фоизга ортиб, 100 минг нафарни ташкил этмоқда.




Ойнинг Қуёш билан ёритиладиган томонида сув борлиги тасдиқланди

АҚШ миллий аэроавтотика ва фазо маъмурияти (NASA) мутахассислари Ойнинг Қуёш билан ёритиладиган томонида сув борлигини тасдиқлади.

Бу ҳақда Nature Astronomy хабар берди. “Ойнинг Қуёш билан ёритиладиган томонида сув борлиги илк бор тасдиқланди”, – деди NASAнинг астрофизика бўлими директори Пол Хертц.


Мутахассиснинг таъкидлашича, кашфиёт Boeing компанияси самолёт базасида инфрақизил астрономия расадхонаси ёрдамида амалга оширилди. Фақат ушбу сувдан “манба сифатида” фойдаланиши мумкин ёки йўқлиги ҳали номаълум.



Жазоир Францияни судга беради

Жазоир ўз архив ҳужжатларини Франциядан қайтариб олиш учун халқаро судга мурожаат қилмоқчи. “Анадолу” хабарига кўра, бу ҳақда Жазоир президентининг маслаҳатчиси Абдулмажид аш-Шайхий айтган. Унинг айтишича, Франция бу ҳужжатларнинг қайтарилишига қаршилик кўрсатаяпти ва халқаро судга мурожаат этиши учун Жазоирнинг олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Французлар 1830-1962 йиллардаги мустамлакачилик пайтида Жазоирдан юз минглаб тарихий ҳужжатлар ва харита



ларни олиб кетган. Франциянинг иддасига кўра, бу архив ҳужжатларига эгаллик қилиш унинг суверен ҳақидир.

Жазоир тўрт йилдан бери Франция билан мустамлакачилик даври бўйича тўрт йўналишда музокаралар олиб борапти. Булар: архив ҳужжатларининг қайтарилиши, мустақиллик учун кураш пайтида ўлдирилган жазоирлик етакчилар жокларининг қайтарилиши, Саҳрои кабирда ўтказилган ядровий қурооллар синовларидан зарар кўрган жазоирликларга компенсация тўлаши ҳамда 1954-1962 йиллардаги мустақиллик учун урушда йўқолган 2200 нафар жазоирликнинг тақдирининг аниқлаштирилиши.

Франция Жазоирдаги жиноятларини ҳалигача расман тан олмаган.

McDonald's Озарбайжон томонида

McDonald's франшизасининг Озарбайжон бўлими Тоғли Қорабоғдаги ҳарбий ҳаракатларни қўллаб-қувватлади. “Байрогимиз Озарбайжоннинг барча жонажон ерларида ҳилпираб турсин!” – дея таъкидланган “Instagram”да.

Жойланган фотосуратда Қорабоғ фониди Озарбайжон байроғи акс этган. Расмининг остига “Қорабоғ Озарбайжондир” деб ёзиб қўйилган.


Шу ойнинг бошида “Burger King”нинг маҳаллий бўлими ҳам шунга ўхшаш баёнот билан чиққанди.



Интернет материаллари асосида У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади



Агата Кристи
инглиз ёзувчиси



Агата Кристи

Чимматли хоним

(Детектив)

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

– Менинг бунданам кўра хавфсизроқ жойим бор, – деди у.

– О, у разил одам! Жаноб Пуаро, сиз менга кўмак бера оламан, деб ишонасизми? – дея типирчилади қиз.

– Пуарога ихлос қилинг. Мен, албатта, бир тадбир топарман.

Пуаро назокат билан хурматли меҳмонимизни зиналар бўйлаб кузатиб қўяр экан, мен бу тасаллиларнинг барчаси роса ўринли бўлди, деб хаёлимдан ўтказгандим, лекин кейин шундай бўлиб чиқдики, олдимизда ечилиши ғоят мураккаб бўлган катта тугун турарди. Пуаро қайтиб кириши биланоқ шуни баён қилдим.

У аянчли ҳолатда бошини қимирлатди.

– Ҳа, калаванинг учини кўздан қочирмаслик зарур. Қамчи эса унда, ўша жаноб Лавингтонда. Айти дақиқада уни қандай қилиб чув туширишга кўзим етмаяпти.

Ўша куни жаноб Лавингтон бизга керакли бўлган шикоят аризаси билан мурожаат қилди. Лэди Милисент уни жирканч одам сифатида тасвирлаб берганида ҳеч муболага қилмаган экан. Мен оёқларим учига санчиқ турганини аниқ-тиниқ ҳис қилдим, бу маҳлуқни зиналарнинг пастига қараб тепиб юборишни шундай хоҳладимки! Жаноб бўрондай устун келувчи қиёфада эди, Пуаронинг юмшоқ таклифлари устидан масхараомуз кулар, умуман олганда, ўзини вазиятнинг бошлиғи қилиб кўрсатарди. Пуаронинг ўз қобилиятини заррача ҳам намоён қилмаганлиги назаримдан қочиб қутулмади. У умидсиз ва гамгин эди.

– Хўп, жаноблар, – деди Лавингтон шляпасини кўтариб қўяр экан.

– Бизнинг ошимиз у қадар узоқ вақтга пишмайдиган кўринади. Демак, бундай келишас: Мен Лэди Милисентга нархни биров тушириб бераман, зеро, у шунчалар ёш ва жозибали хоним экан, – у жирканч ҳолда кўз қирини ташлаб қўйди.

– Дейлик, ўн сакииз минг. Мен бугун Парижга жўнайман – у ерда ниҳоясига етказиб қўядиган озгина бизнес ишим бор. Сешанба куни қайтиб келаман. Пул эса ўша куни кечкурун тўланмас экан, хат герцог томон жўнатилади. Менга, Лэди Милисент бунча пулни кўтара олмайди, деб қарши чиқманглар. Унинг баъзи олижаноб дўстлари шундай лобар аёлга

қарз бериб туришга жон-жон деб туришибди – агар хонимнинг ўзи бу борада тўғри йўлдан кетолса.

Менинг юзларим қизарди, олдинга қараб бир қадам ташладим, бироқ Лавингтон гапини тугатар-тугатмай хонадан зипиллаб чиқиб кетиб бўлганди.

– О, Худойим! – деб қичқириб юбордим. – Нимадир қилиш керак. Сиз бу разилликнинг давом этишига индамай турадиган кўринасиз, Пуаро.

– Бебаҳо юрагингиз бор, дўстим, аммо миянгиз биров чигал ҳолатда. Жаноб Лавингтонни ўз иқтидорим билан ҳайратда қолдириш ниятида эмасман. У мени қанча кўрқоқ деб ўйласа, шунча яхши.

– Нима учун?

– Эҳтиёткорлиги учун, – мингиллаганча эслатди Пуаро. – Лэди Милисент етиб келгандагина қонунга қарши иш бошлаш мақсадимни билдириш керак!

– Лавингтон жўнаб кетганида, унинг уйига қулфбузарлик қилиб кирмоқчимисиз? – деб хансирадим мен.

– Баъзан Гастингс, ақлий қобилиятингиз ҳайратланарли даражада ўткир-да.

– Борди-ю, у хатни ўзи билан бирга олиб кетса-чи?

Пуаро бошини тебратди.

– Бу жуда ҳақиқатдан узоқ. Унинг уйида ўзи анчагина топиб бўлмас, деб хаёл қилган яширин бир жойи бор.

– Биз қачон, ҳалиги, ҳаракатни бошлаймиз?

– Эртага тунда. Бу ердан тахминан соат 11.00ларда чиқиб кетамиз.

Ўша белгиланган вақтда мен жўнаб кетиш учун тахт эдим. Қора костюм ва юмшоқ қора шляпа кийиб олгандим. Пуаро менга қараб, мулоийгина, аммо қувноқ табассум қилди.

– Ролингизга муносиб равишда кийиниб олибсиз, кўриб турибман, – мақтаб қўйди у менга кўз югуртираркан. – Келинг, Вамбледонга метрода кета қолайлик.

– Ўзимиз билан бирон нарса олмай-мизми? Кириш учун синдирувчи асбобларми?

– Қадрдоним Гастингс, Эркул Пуаро бундай дағал усуллардан фойдаланмайди. Илтифотсизлик қилгандай қиёфада ортта чекиндим, аммо қизиқишим баланд келди.

Бу она Вистингнинг шаҳар четига чоғдақина боғига кириб борганимизда қоқ ярим тун бўлиб қолганди. Уй қоронғу ва тинч эди. Пуаро тўғри уй орақсидаги

дераза олдида борди-да, панжарани шовқинсиз кўтариб, мени ичкарига тортди.

– Бу деразанинг очиқ бўлишини сиз қандай билдингиз? – деб шивирладим мен, чунки бу ростданам ғайритабиий бўлиб туюлди.

– Сабаби, бугун ҳийла ишлатиб, шундан билиб олдим.

– Нима?

– Қаранг, бу жудаям оддий. Мен уйга кириб, битта қалбаки конверт ва инспектор Жапнинг расмий қоғозларидан бирини уларга кўрсатдим. Шотланд Ярд томонидан тавсия этилиб, юборилганимни билдирдим, баъзи қулфбузарларни топишга бириктирилганимни ва жаноб Лавингтон кетганида, хавфсиз бўлишни хоҳлаганини билдирдим. Уй бошқарувчиси мени иштиёқ билан қарши олди. Аниқландики, бу ерда икки нафар тажовузкор

яқиндагина пайдо бўлган, қолаверса, бизнинг бу кичик ғоямиз жаноб Лавингтоннинг ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган миждозларида ҳам содир бўлганди. Мен барча деразаларни текшириб чиқдим, ўз кичик ташкилий ишимни режалаштириб олдим, деразалар электр токка уланиб қўйилгани учун эртагача хизматкорларга тегишни таъқиқладим ва мана, ҳаммаси силлиқ битди.

– Пуаро, сиз ростданам ғаройибсиз.

– Қўйсангиз-чи, бу энг осони эди.

Энди эса ишга! Хизматкорлар уйнинг тепасида, чордоқда ухлашади, демак уларни безовта қилишимиз учун кичкина ҳаракатимизнинг ўзи етарли.

– Фараз қилишимча, сейф қаердадир деворга қурилган бўлса керак?

– Сейф? Бўлмағур гап! Ҳеч қанақа сейф йўқ. Жаноб Лавингтон каллали одам. Кўрасиз ҳали, у сейфдан кўра мукамалроқ яширин жойни уйлаб топган. Сейф бўлса ҳамма излаши керак бўлган биринчи жой.

Шундан сўнг биз бутун бошли жойда узлуксиз қидирувни бошлаб юбордик. Бироқ уйни ағдар-тўнтар қилишнинг бир неча соатларидан кейин бу тинтувимиз бесамар чиқди. Пуаронинг юзида ғазаб учқунларини пайқадим.

– Аҳ, шармандалик! Эркул Пуаро зарба ейдими? Асло! Кел, хотиржам бўлайлик. Чукурроқ уйлаб кўрайлик. Кел, ақлим! Биров миямизни ишлатайлик.

Пуаро фикрларини жамлаб олиш учун қошларини чимириб, бир неча дақиқа жим қотди, кейин менга жуда яхши таниш бўлиб қолган яшил чўғ унинг кўзлари ичида чақнаб кетди.

(Давоми бор)

Инглиз тилидан
Қандилат ЮСУПОВА таржимаси

“Шундан сўнг биз бутун бошли жойда узлуксиз қидирувни бошлаб юбордик. Бироқ уйни ағдар-тўнтар қилишнинг бир неча соатларидан кейин бу тинтувимиз бесамар чиқди. Пуаронинг юзида ғазаб учқунларини пайқадим.”



ЁНГИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Бизга маълумки, қадимдан олов инсонларнинг дўсти ва ёрдамчиси бўлиб келган. Аммо ундан нотўғри фойдаланиш катта миқдорда зарар, оғир оқибат ёки тузатиб бўлмас ёмон асоратларни келтириб чиқаради. Айрим фуқароларнинг совуққонлиги туфайли ёнгинлар сони ортиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари мақсадга мувофиқ:

- маҳаллалардаги бинолар, уйлар ҳамда шахсий хонадонларда ахлат чиқиндилари, шох-шабалар ва хазонларнинг ёқилишига йўл қўйманг;
- уйдан қисқа вақтга чиқсангиз ҳам электр ва газларни ўчиринг ҳамда ёш болаларингизни ёлғиз қолдирманг;
- газ ўчоқлари жойини ўзбошимчалик билан ўзгартирманг;
- газ ўчоқлари устида ювилган кирларни қуриштига йўл қўйманг;
- ёқиб қўйилган электр иситиш асбобларини, электр дазмол, плита ва телевизорларни қаровсиз қолдирманг;
- ёқилми иситиш печлари, газ ўчоқлари тева-рак атрофида тез ёнувчи бўлган буюмларни сақлаш, қуриштига йўл қўйманг ва ёқилган ўчоқларни назоратсиз қолдирманг;
- ёш болаларни ёлғиз қолдириб, гугурт ёки пиротехника воситаларидан фойдаланишга йўл қўйманг.

- ностандарт ва қўлбола сақлагичлардан (предохранитель) ҳамда вақтинча ўтказилган электр симларидан фойдаланманг;
- узилган ва уланган электр симларидан фойдаланманг;
- бир вақтнинг ўзиде бир неча маийший электр асбоб-анжомларини розеткага улаб фойдаланманг;
- қўлбола ясалган газ ва электр мосламаларидан фойдаланманг;
- ёқич ҳолда иситиш печи, газ ва электр асбобларини қаровсиз қолдирманг.

Юқоридаги ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳар бир инсон ўзи ва ўзгалар ҳаёти ва мол-мулкни сақлаб қоладилар.

Т.ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси маъмурий биноларида
ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил
этиш 1-бўлимчиси ЁН ва ПБ инспектори,
катта сержант

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНГАНДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШ КЕРАК?

Ис гази рангсиз, ҳидсиз, табиий газ, ёқилми, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида вужудга келади. Тутун таркибида 3 фоиз, ишланган газда 13 фоиз, портловчи газлар таркибида 50-60 фоизгача ис гази бўлади.

Ис газидан қатор органик моддаларни (ацетон, метил спирти, феноль ва бошқалар) синтез қилиш учун фойдаланиладиган жорхоналарда, автоуловлар тураргоҳларида вентиляция ёмон бўлганда, янги бўялган шомоллатилмайдиган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печ билан иситиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш палаткаларида исиниш учун чўғ оловларидан ва бошқа ёнилми маҳсулотларининг тўлиқ ёнмаслиги натижа-сида захарланиб қолиш мумкин. Ис гази организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ кислородга нисбатан 300 маротаба тез ва кўпроқ гемоглобинга бирикши хусусиятига эга, шунинг учун жуда маҳкам бирикма - карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти жуда пасайиб, гипоксияга, оғир захар-



ланганда аноксияга олиб келиши мумкин.

Ис газининг катта миқдори таркибида темир моддаси бор. Нафас олиш ферментини парчалайди. Бу ўз йўлида тўқималарнинг нафас олиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ис гази билан захарланган организмда углерод ва оксил алмашинуви бузилади, натижада, ацидоз аломатлари юзага келади. Қон таркибида калий ва кальций мувозанати марказий асаб тизими фаолиятини бузади. Бош миёда босимнинг ошиши кузатилади. Организмга кислород етишмаслиги оқибатида инсон ҳаётдан қўз юмиши мумкин. Захарланган

кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш зарур, нафас олиши тўхтаб қолганда, сунъий нафас бериш лозим. Бу тадбир бемор мустақил нафас олгунга қадар ёки биологик ўлим аломатлари пайдо бўлгунча давом эттирилади. Баданни ишқалаш, оёқларга грелка қўйиш, қисқа вақт новшадил спирти бугларини ҳидлатиш (новшадил спирти бемор бурнидан камида 1 см. узоқликда шимдирилган пахта ёки марлида бўлиши шарт, акс ҳолда спиртнинг ўткир ҳиди беморни фалаж ҳолатига олиб келиши мумкин) захарланиш оқибатларини йўқотишга имкон беради.

Д.АҲМАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
аппарати ҳукумат уйидан фойдаланиш бошқармасида ва
хўжалик фаолияти бошқармасининг автохўжалиги
биноларида ЁХТТЕБ Ёнгин назорати ва
профилактикаси бўйича оддий аскар

Внимание! Уважаемые жители и гости Республики Узбекистан!

Государственное унитарное предприятие Центр Электромагнитной совместимости (ГУП ЦЭМС) Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан предупреждает, что в соответствии с действующим законодательством ввозимые из-за границы, приобретаемые, реализуемые и эксплуатируемые радиоэлектронные средства (радиопередатчики дальнего действия, радиостанции и другие передающие устройства) на территории Республики Узбекистан должны иметь необходимые разрешения и сертификаты соответствия.

К лицам, осуществляющим ввоз из-за границы, реализацию и эксплуатацию радиопередатчиков устройств без соответствующих разрешений и сертификатов, будут применяться меры административной ответственности, вплоть до конфискации радиоаппаратуры.

По вопросам регистрации и выдачи разрешений на ввоз и эксплуатацию радиоэлектронных средств просим обращаться в Центр электромагнитной совместимости и его областные подразделения.

При этом ГУП ЦЭМС принимает от физических и юридических лиц заявки на устранение помех радиоприёму телевидения и радиовещания, а также средств радиосвязи. Устранение помех радиоприёму производится в соответствии с Законом Республики Узбекистан "О радиочастотном спектре" и "Инструкции о порядке приема и рассмотрения заявок на устранение радиопомех средствам радиосвязи, приему программ телевидения и радиовещания"

РАБОТЫ ПО ЗАЯВКАМ ПРОИЗВОДИТСЯ ТОЛЬКО ПРИ УСЛОВИИ ИСПРАВНОСТИ ТЕЛЕ РАДИОПРИЁМНЫХ И АНТЕННО-ФИДЕРНЫХ УСТРОЙСТВ.

В заявке необходимо указывать:

- Данные заявителя: фамилия заявителя (физического и юридического лица), полный почтовый адрес, номер телефона (домашний или служебный);
- Тип приёмного устройства, применяемая антенна (комнатная, на крыше дома и т.д.);
- При приёме, какой программы телевидения или на какой частоте радиосвязи наблюдаются помехи;
- Продолжительность и время действия, характер помех при слуховом или зрительном восприятии;
- Имеются ли такие же помехи на расположенных вблизи (квартирах, домах) телевизорах, радиоприёмниках или других радиоэлектронных средствах;
- Наиболее удобное время для посещения заявителя сотрудниками ГУП ЦЭМС в период действия помехи.

Заявки принимаются Станцией Технического Радио-контроля и региональными подразделениями ГУП ЦЭМС по следующему адресу:

**г.Ташкент и Ташкентская область, 100015
г.Ташкент, ул. Фаргона йўли, 15, по телефону:
71-202-61-71; 71-202-61-68;
электронный адрес: setc@setc.uz**

Ташкент шаҳридаги 220-мактаб томонидан Ибраги-мова Муборак Муратуллаевна номига 1996 йилда берилган 014858 рақамли Шаҳодатнома йўқолганлиги сабаб **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

УЧ КУНДА ДАСТУРЧИЛИКНИ ЎЗЛАШТИРИШ КЎНИКМАЛАРИ

Дастурчилик бирмунча мураккаб, айримлар учун ҳатто ваҳимали даражада қийин кўринадиган соҳа. Бироқ унда ҳам осон ўзлаштириш мумкин бўлган жиҳатлар мавжуд. Биз куйида дастурчиликка қизиққанлар уч кундаёқ нималарни ўзлаштири олишлари мумкинлигини санаб ўтамиз. Иштиёқ ва озроқ кунт бўлса бас, сиз дастурчиликни ўрганиб олишингиз мумкин:



1. Linux

Linux билан ишлаш асосларини уч кунда ўрганиш мумкин. Linux – энг кенг тарқалган, оммабоп амалий тизимлардан бири. Дастурчиликда асосан ушбу тизимдан фойдаланилади, кўпинча масофадаги серверлар учун ҳам қўлланади. Шунингдек, Kali Linux дистрибутиви кўпинча ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар ва хакерлар томонидан ишлатилади.

2. Версиялар назорати тизими

Шунча муддат мобайнида яна Версиялар назорати тизими – VCSлардан бирини ўзлаштириб олишингиз мумкин.

Мазкур жиҳоз хатолардан сақланишингизни кафолатлайди. Чунки, агарда дастурдаги ўзгаришлар керакли натижани бермаса, бир неча босқич орқага қайтишга тўғри келади. Мана шу пайтда VCSлар роса иш беради.

3. Мухим ресурслардан фойдаланиш

Агарда дастурлашга қизиқсангиз, Stack Overflow ҳамда унинг русча муқобили – Hashcode сайтларида профил очиб олганингиз маъқул. Шундан кейин, мазкур савол ва жавоблар тизимларидан фойдаланишни ўргана бошлайсиз. У ерда кимдир фойдали маслаҳатлар олади, яна кимлардир бепул амалиёт ўтайди.

4. JavaScript асослари

Қисқа муддатда ўрганиш мумкин бўлганлардан яна бири JavaScript ҳисобланади. У Githubдаги энг оммабоп дастурлаш тилидир. Дастурчиликда nodejs пайдо бўлганидан кейин, JavaScript нафақат фронтенд учун қўлланувчи технология сифатида, балки бекенд ва консол утилиталарини яратишда ҳам фаол қўлланмоқда.

5. Саралаш

Уч кунда саралаш алгоритмларидан бирини ўрганиб олишингиз имкони бор. Умуман олганда, тизимга солиш ҳамisha ҳам ишни осонлаштиради. Кодерлар учун эса у сув ва ҳаводек муҳим.

6. Буйруқлар сатрида ишлаш

Дастурчининг оддий фойдаланувчидан фарқ қилувчи жиҳатларидан бири – буйруқлар сатри билан самарали ишлаш олишидир. Сиз ҳам буни ўрганиб олсангиз, ишингиз тезлашади. Шунингдек, буйруқлар сатрида ишлаш масофадаги сервер билан ишлаш учун энг керакли малакалардан биридир. Ўйлаймики, дастурлашга қизиқсангиз ва ҳаракат қилсангиз, маслаҳатларимиз сизга асқотад.

ҲИҚМАТ

КЕМА СОҲИЛДА ХАВФСИЗ ТУРАДИ, АММО КЕМА СОҲИЛДА ТУРИШ УЧУН ЯРАЛМАГАН.

Алберт ЭЙНШТЕЙН

.....САЛОМАТЛИК

ГИПЕРТОНИЯ МИЯГА ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ ХАСТАЛИКДИР



Россиялик телебошловчи ва шифокор Александр Мясников когнитив функцияларнинг бузилишига олиб келадиган касалликларни маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, миёга энг кўп гипертония зарар етказиши. "Юқори қон босими кексаларда ҳам, ёшларда ҳам деменция ривожланишида биринчи рақамли омил ҳисобланади", – деди шифокор "Россия 1" телеканали эфирини.

Унинг таъкидлашича, қандли диабет ҳам гипертония каби ҳалокатли таъсир кўрсатади. Устига-устак, иккала касалликнинг ҳам нишоми бир: кўз, буйрак ва миё.

Шифокор хавфли гуруҳга кирувчи кишиларга туз истеъмолини чеклашни, жисмоний тарбия билан шуғулланишни, тўғри овқатланишни ва мунтазам дори қабул қилиб юришни тавсия этади.

ИБРАТ



Насиб бўлса келар Шому Ироқдан...

Кўхна Самарқанд шаҳридан узок сафарга чиққан савдогар туяларнинг бирини эгар жабдуқ йўқлигини сезиб, биринчи учраган хунармадчилик дўконига кирди. Дўкон эгаси намоз ўқиш учун масжидга чиқиб кетган, ўрнига шогирдини қолдирган эди.

- Келинг амаки, – деди шогирд.
- Менга зудлик билан эгар керак.
- Ҳозир йўқ эди. Агар буюртма берсангиз, 3-4 кунда тайёрлаб берамиз.
- Нималар деяпсан, ўғлим? Мен бугун йўлга чиқаман. Туяларимдан бирининг усти бўш. Дарҳол эгар қўйишим керак, туя бўш кетмасин.
- Лекин амаки, ҳозир эгар йўқ-да, қаердан оламан?
- Кўрмаяпсанми? Карвон йўлга

шайланган. Бироздан сўнг карвонбошининг кўнғирғоғини эшитасан. Қани дўконингни яхшироқ қара-чи, бирон-та эгар топилиб қолар.

Шогирд у ер бу ерга қарагандай бўлди-ю, бирдан кўзи йиллар бўйи шифтда осиглиқ турган эски эгарга тушди.

– Буни қаранг, амаки. Шу эски эгар, бир неча йиллардан бери шифтда осиглиқ туради. На унга битов харидор бўлди, на биз уни сотишга қўйдик. Мадомики, сизга жуда зарур бўлса, 40 танга бериб, шуни олақолинг.

Савдогар эгарнинг янги-эскилигини ажратадиган вазиятда эмасди. 40 танга бериб эгарни олиб, карвон томон югуриб кетди. Шогирд эски эгарни 40 тангага сотганидан жуда хурсанд эди. Устага бу омадли савдонини айтса, ким билади, қанчалар хурсанд бўларкин!

- Бироздан сўнг уста дўконга қайтди. Салом аликдан сўнг шогирд:
- Сизга бир хушxabарим бор уста, – деди.

- Айтчи қани, нима экан?
- Шифтда осиглиқ турадиган эски эгар бор эди-ку...

Устанинг кўзи дарҳол шифтга қадалди, эгар жойида йўқ. Ранги оқариб, нафаси ичига тушиб қолди. Тиззалари қалтираб бошлади. Лаблари эса секин пичирлаб:

- Айт, нима бўлди, у эгарга?
- Бир савдогар келиб, зудлик билан эгар кераклигини айтди. Ҳозир эгар йўқ десам ҳам, қўярдасиз қўймай, топиб бер, деди. Шу эски эгарга кўзи тушиб, бу ишга ярамайди дейишимга қулоқ солмай 40 танга бериб, олиб кетди.
- Уста турган жойида чўккалаб қолди. Чунки у эгарда устанинг пул ташлайдиган халтачаси бор эди. Йиллар бўйи рўзгоридан орттирганини шу халтачада сақларди.
- Шунча дегин, 40 йил тўплаганим 40 тангага кетибди-да!
- Шогирд воқеликнинг ҳақиқатини билиб, қилган ишидан жуда пушаймон бўлди. Йиғлаб, оҳ-воҳ қилди. Уста ақлли, олийжаноб киши бўлиб:
- Болам, бунчалар ўзингни

қийнама! Насиб бўлса келар Ҳинду Ямандан, буюрмасан нима келади қўлдан, – деб тасалли берди.

Орадан анча вақт ўтди. Салқин кунларнинг бири, тушлик пайти эди. Дўкон эшигида бир одам турарди. Бу ўша, эски эгарни 40 тангага олган савдогар бўлиб, қўлида ўша эгар турарди.

– Мен б ой аввал, шу дўкондан манави эгарни олгандим. Йўлда уйлаб қолдим. Менга буни сотган шогирдининг устаси бу савдогар рози бўлди-микин? Мен шошилтирганим учун устасидан сўрашга ҳам имкони бўлмаганди. Устаси норози бўлган бўлса, шогирдини жазоламадимикин, деган уй менга тинчлик бермади. Мана эгарингиз, қайтиб олинг. Менга бошқа ясаб беринг!

Уста ва шогирд бир-бирларига тикилиб қолдилар. Айни вақтда кўнғилларидан бир хил гап ўтарди: "Насиб бўлса келар Шому Ироқдан..."

Туркчадан
Марям ОСИЁ таржимаси

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бosh муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Сарвар БОБОҲЎЖАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бosh муҳаррир ўринбосари),
Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нархда.

МАЪЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлажал: Олай бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Барно СУЛТОНОВА

ISSN 2010-6424



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Маъзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1057 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адали: 3931 нусха.